Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O'ZBEKISTON OVOZI

● 2011-yil, 1-noyabr. Seshanba ● 130-131 (31.407) Ijtimoiy-siyosiy gazeta ● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan ● www.uzbekistonovozi.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## ҚУРБОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Муборак Қурбон ҳайитининг халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб, миллий-диний қадриятларимизни сақлаш ва улуғлаш, фуқароларнинг ҳамжиҳатлиги ва меҳр-оқибатини мустаҳкамлаш, ёш авлоднинг руҳий ва маънавий оламини бойитиш, уларнинг қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини янада юксалтириш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Диний байрам «Қурбон ҳайит»ни дам олиш куни деб эълон қилиш ҳақида» 1991 йил 20 июндаги ПФ-221-сон Фармонига мувофиқ:

1. 2011 йилда Қурбон ҳайитининг биринчи куни 6 ноябрга тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг мурожаатини инобатга олиб, ушбу кун мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Республика «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа барча мутасадди давлат ва жамоат ташкилотлари Қурбон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига байрам тадбирларини кенг ёритиш тавсия этилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2011 йил 31 октябрь.*

Табриклаймиз, қутлаймиз, фахрланамиз!




# Ўзбек футболининг тарихий ютуғи

***Қаршининг «Насаф» жамоаси Ўзбекистон футбол клублари орасида биринчи бўлиб Осиё футбол конфедерацияси кубогини қўлга киритди***

Жорий йил ўзбек футболи ҳаётида ўчмас из қолдирмоқда. Дастлаб январь ойида Ўзбекистон миллий терма жамоаси Қатарда ўтказилган Осиё чемпионатида муваффақиятли тўп суриб, кучли тўртликдан жой олганди.

Сўнгра шу йилнинг ўзида Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси Мексикада бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида футболимиз тарихида илк бор дунёнинг кучли саккиз жамоаси сафига қўшилган эди.

29 октябрь куни футболимиз тарихида яна бир зарҳал саҳифа очилди. Нуфузи жиҳатидан Осиё чемпионлари лигасидан кейинги ўринда турувчи ОФК кубоги баҳсларида муносиб иштирок этган Қаршининг «Насаф» футболчилари клубларимиз орасида биринчи бўлиб, бош совринга сазовор бўлишди.

Аслида юртимиз футбол ишқибозлари учун байрам шукуҳи «Насаф» 18 октябрь куни ОФК кубоги ярим финалининг Иорданияда «Ал-Виҳдат» жамоасига қарши кечган учрашувидаги ғалабасидан бошланган эди. Ҳамюртларимизнинг нуфузли мусобақа финалига йўлланмани қўлга киритиши, барчани мамнун этиб, кайфиятини кўтарди.

*(Давоми 2-бетда.)*

Хушхабар!




# Абдулла Тангриев зўрларнинг зўри

**Россиянинг Тюмень шаҳрида оғир вазнли дзюдочилар ўртасида ўтган жаҳоннинг мутлақ чемпионатида ҳамюртимиз Абдулла Тангриев ғолиб бўлди!**

⇨ 8

## Ўзбекистон Халқ демократик партияси бугунги кунда ўз электорати манфаатлари йўлида фаол иш олиб бормоқда

Давлатимиз мустақилликка эришгандан кейин ташкил этилган биринчи сиёсий партия — Ўзбекистон Халқ демократик партияси қатор синовлардан ўтиб, ўзига хос тажриба тўплади. Ўтган йиллар давомида Ўзбекистон ХДП ўз Дастурида белгилаб қўйганидек, аҳолининг кам таъминланган қатламлари ва ўз электорати манфаатини ҳимоя қилиб келади. Бунинг учун партия барча зарур ташкилий ресурсларга эга.

❖ Ҳозирги кунда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида партиянинг 31 нафар депутатдан иборат фракцияси фаолият кўрсатмоқда.

❖ Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига партиямиздан 288 нафар депутат сайланган.

❖ 2287 нафар партиядошимиз Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари депутати.

❖ Бугунги кунда ЎзХДПнинг 400 мингга яқин аъзоси бор.

❖ Партиянинг асосини ташкил этувчи бошланғич ташкилотлар сони 10586 та.

❖ 2006 йилдан бери партиянинг «Фаол аёллар» ва «Истиқбол» ёшлар қанотлари фаолият кўрсатиб келаётир.

❖ ЎзХДП туман, шаҳар ва вилоят кенгашларида ташкил этилган «Жамоатчилик қабулхоналари» партия билан электоратни боғловчи муҳим воситага айланди.



# Дастур амалда

***Косонсой туманида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили муносабати билан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.***

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида бу борада дастурнинг ижроси учун 5938,61 миллион сўм ва 141,0 минг доллар маблағ сарфланди. Тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш учун 1959,5 миллион сўм банк кредитлари ажратилди. Бу маблағлар эвазига янги-янги кичик корхоналар, ишлаб чиқариш иншоотлари барпо этилиб, кўплаб иш ўринлари яратилди.

# Компьютер саводхонлиги

***Бугун компьютер технологияси деярли барча соҳага кириб келди. Аммо мутахассис кадрларнинг ҳаммаси ҳам замонавий технологиялар билан ишлаш кўникмасига эгами?***

Наманган вилоят халқ таълими тизимидаги мавжуд 688 та илм даргоҳининг 135 таси педагог кадрлар компьютер саводхонлигини ошириш бўйича таянч мактаби сифатида белгиланганди. Амалдаги ўқув йилининг ўтган даври мобайнида 72 соатли махсус дастур асосида 27 минг 686 нафар умумтаълим мактаби ўқитувчилари ўқув курсларини якунладилар.

Йил охирига қадар яна 1165 нафар педагог мазкур курсда сабоқ олиб, компьютер саводхонликларини мустаҳкамлайди.

**Носиржон ДЕҲҚОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2011 ЙИЛ 1 НОЯБРДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ**

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1860,52 | 1 Миср фунти | 295,83 | 1 СДР | 2819,50 | 10 Жанубий Корея вони | 15,92 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2822,38 | 1 Канада доллари | 1767,12 | 1 Туркия лираси | 1007,44 | 10 Япония иенаси | 222,95 |
| 1 БАА дирҳами | 480,69 | 1 Хитой юани | 277,98 | 1 Швейцария франки | 2027,01 | 1 Россия рубли | 59,05 |
| 1 АҚШ доллари | 1765,53 | 1 Малайзия ринггити | 575,56 | 1 Евро | 2474,08 | 1 Украина гривнаси | 221,33 |

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

# Ўзбек футболининг тарихий ютуғи

Ҳал қилувчи баҳсга Қарши шаҳрида қизғин тайёргарлик кўрилди. Учрашув бошланишидан бир неча кун аввал Осиё футбол конфедерациясининг масъул вакиллари юртимизга ташриф буюришди. Жумладан, ОФКнинг вақтинчалик президенти Жанг Жилонг ҳамда унинг ёрдамчиси Луо Роджерлар Қаршидаги «Марказий» стадионда бўлиб, бу ердаги шароит билан танишишди.

Қашқадарё вилоят ҳокими, вилоят футбол федерацияси президенти Нуриддин Зайниев, Ўзбекистон футбол федерацияси президенти Мираброр Усмонов, «Насаф» ПФК президенти Алишер Султонов ҳамроҳлигида футбол клуби қошида фаолият кўрсатаётган болалар футбол мактаб-интернатига ташриф буюришди.

— Болалар футболига эътибор қилмасдан туриб, профессионал футболчиларни тарбиялаб бўлмайди, — деди ОФК президенти Жанг Жилонг. — Бу борада Ўзбекистонда амалга оширилаётган ишларга ҳар қанча ҳавас қилса арзийди. Юртингизда миллионлар ўйинига эътибор юксак даражада эканлиги ҳақида эшитгандим. Бугун финал учрашуви баҳонасида бу ерга ташриф буюриб, ўз кўзим билан гувоҳ бўлиб турибман. Футбол инфратузилмасини такомиллаштириш, футболга ихтисослашган мактаб-интернатлар фаолиятини жонлаштиришда ҳукуматингиз, шахсан давлатингиз раҳбари катта эътибор кўрсатаётгани бизни беҳад мамнун этади, албатта.

Осиё футболи раҳбари футбол мактаб-интернатида яратилган шарт-шароитга юқори баҳо берди, футбол келажаги йўлида қилинаётган бу ишлар яқин йиллар ичида қитъамизнинг етакчи терма жамоалари қаторига қўшилишига пойдевор бўлиб хизмат қилади, деган фикрни билдирди.

ОФК кубоги мусобақаси 2004 йилдан бошлаб ўтказилмоқда. Бу йилги финал учрашувига қадар мазкур нуфузли турнирда Суриянинг «Ал-Жаиш» (2004 йил), Иорданиянинг «Ал-Файсали» (2005, 2006), «Шабаб Ал-Ордон» (2007), Баҳрайннинг «Муҳаррақ» (2008), Қувайтнинг «Ал-Қувайт СК» (2009) ҳамда Суриянинг «Ал-Иттиҳод» (2010) жамоалари бош совринга сазовор бўлишган эди.

«Насаф» жамоаси ОФК кубогида дастлаб 2010 йилда ўз омадини синаб кўрган. Унда қаршиликлар мусобақанинг нимчорак финалига қадар етиб боришганди. Амалдаги мавсумда баҳсларга пухта ҳозирлик кўрган жамоа аъзолари барча учрашувларда муваффақиятли тўп суришнинг уддасидан чиқдилар. «Насаф» мусобақанинг «А» гуруҳида иштирок этган ва барча ўйинларда ғалабага эришганди. Қаршиликларга гуруҳда Ҳиндистоннинг «Демпо», Ливаннинг «Ал-Ансор» ва Яманнинг «Ал-Тилол» клубларини катта устунликда енгган, олтита ўйиндан фақатгина 1 тасида кичик ҳисоб қайд этилган эди. Эътиборли жиҳати, ҳамюртларимиз бу гал дастлабки босқичдан бошлаб бир қатор рекорд кўрсаткичларга эришишга муваффақ бўлди. Жумладан, «Насаф» футболчилари «Демпо» вакилларини йирик 9:0 ҳисобида енгиб, ўзига хос шов-шувга сабабчи бўлишди. Анатолий Демяненко шогирдлари тартиб ва интизом борасида ҳам мусобақа қатнашчиларига ҳар жиҳатдан ибрат бўла олди. Гуруҳда ўтган олти ўйинда улар атиги 4 маротаба ҳакам томонидан огоҳлантирилганлиги фикримиз тасдиғидир.

Ягона ўйиндан иборат бўлган 1/8 финалда «Насаф» ўз майдонида Иорданиянинг «Ал Файсалий» аъзоларига қарши кечган баҳсда 2:1 ҳисобида зафар қучди. Чорак финалда «Насаф» Таиланднинг «Чонбури» футбол клубига қарши кураш олиб борди. Сафарда 1:0 ҳисобидаги ғалаба, ўз майдонида эса 0:1 ҳисобидаги мағлубият туфайли ғолиб номи пенальтилар сериясида аниқланди. Унда моҳир дарвозабон Муроджон Зуҳуров қаҳрамонлик кўрсатиб, иккита пенальтини қайтарган ва жамоасини ярим финалга олиб чиққанлиги ҳали ҳам мухлисларимиз ёдида бўлса керак.

Финал йўлланмаси учун ўтган учрашувларда «Насаф» футбол-

(Давоми. Боши 1-бетда.)



чилари «Ал-Виҳдат» жамоасини ўз майдонида 1:0 ҳисобида мағлуб этди ва сафарда ўзи учун етарли бўлган 1:1 ҳисобидаги дурангни қўлга киритди.

Бош совринг учун «Насаф» — «Ал-Қувайт СК» жамоалари ўртасида кураш кескин ва шиддатли ўтиши олдиндан тахмин қилинганди. Вакилларимиз илк дақиқалардан ҳужумга зўр берган бўлса-да, биринчи бўлимда бутун жамоа бўлиб ҳимояланган қувайтликлар дарвозасига йўл топишнинг имкони бўлмади. Ўйиннинг иккинчи ярмида ҳамюртларимиз ҳужумни янада кучайтирди ва 62-дақиқада ҳисоб очилди. Артур Геворкян рақиб ҳимоячиларини доғда қолдириб, тўпни Илҳом Шомуродовга оширди ва моҳир ҳужумчимиз рақиб дарвозасини ишғол қилди. Орадан икки-уч дақиқа ўтиб, Артур Геворкян энди Андрейс Переплёткинсга тўпни аниқ оширди ва латвиялик легионер рақиб дарвозасига иккинчи тўпни киритди.

Қувайтликлар 68-дақиқада ҳисобдаги фарқни биттага қисқартиришга эришди. «Ал-Қувайт СК» жамоасининг африкалик легионери Борис Каби гол муаллифи бўлди.

Қолган дақиқаларда ҳар икки жамоа вакиллари ҳам хавфли ҳужумлар уюштирган бўлса-да, ҳисоб ўзгармай қолди. Финалда рақибидан ҳар томонлама устунлигини исботлаб, 2:1 ҳисобида зафар қучган «Насаф» Ўзбекистон футбол клублари ўртасида биринчи бўлиб қитъамиз миқёсидаги халқаро турнирда бош совринни қўлга киритди.

— ОФК кубогини қўлга киритишни астойдил аҳд қилгандик, — деди **«Насаф» жамоаси сардори Ботир Қораев.** — Мусобақа давомида барча учрашувларда жиддий рақибларга қарши майдонга тушдик. Жамоадошларим билан ягона мақсад сари уюшқоқлик билан тўп сурганлигимиз бизни шоҳсупага олиб чиқди, деб ўйлайман. Қолаверса, шу йилнинг ёзида мамлакатимиз Президенти клубимиз қароргоҳига ташриф буюрганида, ОФК кубогини Ўзбекистонга олиб келишга сўз бергандик. Айни чоғда Юртбошимиз ва халқимиз ишончини оқлаганимиздан бахтиёрмиз. Олдинда эса муҳим учрашувлар кутиб турибди. ОФК кубогини қўлга киритганимиз Осиё чемпионлари лигасида қатнашишимиз учун имконият яратди. Биз ана шу нуфузли мусобақада ҳам муносиб иштирок этиб, Ватанимиз шуҳратига шуҳрат қўшишга астойдил ҳаракат қиламиз.

ОФК кубогининг финал ўйини дунёнинг ўттиздан ортиқ давлатларига тўғридан-тўғри трансляция қилинди. Бу учрашувни Украина, Хитой, Қувайт, Япония, Туркия сингари давлатлардан ташриф буюрган ўнлаб журналистлар стадионнинг ўзида туриб кузатишди.

— Кўп йиллардан бери «Насаф» жамоасига мухлислик қиламан, — дейди қаршилик Салоҳиддин Самадов. — Марказий Осиёдан ҳали бирорта футбол клуби бундай катта мусобақа финалига йўлланма олмаган эди. «Насаф» эса ана шундай юксак шарафга эришганлигидан бошимиз кўкка етди. Севимли жамоамизнинг мустақил Ўзбекистон шаънини муносиб ҳимоя қилганлигидан жуда фахрланаман. «Насаф»нинг бундай имкониятга эришишини биз мухлислар орзиқиб кутгандик. Бу ўйин нафақат футболчиларимизни, балки минглаб мухлисларимизни ҳам ўзига хос бир имтиҳондан ўтказди. Биз бутун ўйин давомида ўз жамоамизни қўллаб-қувватлашга, далда бўлишга ҳаракат қилдик. Футболчиларимиз бутун халқимизга ажойиб байрам кайфияти улашиб, юртимиз обрўсига янада обрў қўшганидан миннатдормиз. Уларга келгуси йили бўладиган Осиё чемпионлари лигасида ҳам омадлар тилаб қоламиз.



«Насаф» жамоаси сардори Ботир ҚОРАЕВ «Ҳалол ўйин» соврини билан.

«Насаф» футболчиларига Осиё футбол конфедерацияси кубоги ва олтин медаллар топширилди. ОФКнинг «Fair play» — «Ҳалол ўйин» соврини ҳам «Насаф»га насиб этди. Ҳал қилувчи беллашувда фаол ўйнаган Артур Геворкян финал учрашувининг «Энг яхши футболчиси», турнир давомида рақиблар дарвозасини ўн маротаба ишғол қилган Иван Бошкович «Энг яхши тўпурар» совринлари билан тақдирланди. Шунингдек, «Насаф» жамоаси ОФК кубоги соҳиби сифатида келаси йили Осиё чемпионлар лигасида тўп суриш ҳуқуқини ҳам қўлга киритди.

ОФК кубоги финал учрашуви ниҳоясига етгач, биринчи бўлиб матбуот анжуманида журналистлар саволларига «Ал-Қувайт СК» жамоаси бош мураббийи, хорватиялик **Драган Талажич** жавоб қайтарди.

— Аввало бугунги учрашувда ғалаба қозонган мезбонларни ва уларнинг бош мураббийи Анатолий Демяненкони табриклайман, — дея сўз бошлади меҳмонлар бош мураббийи. — «Насаф» кучли жамоалардан бири саналса-да, менимча, бугун жамоа бош мураббийининг тактик кўрсатмалари якуний натижани қайд этишда муҳим роль ўйнади. Бир сўз билан айтганда, бугун рақибимиз бизга қараганда майдонда ҳужумкор ва мазмунли ўйин намойиш этди. Натижада ҳақли равишда мусобақа бош совринини қўлга киритди. Мағлубият учун барча айбни ўз зиммамга олишга тайёрман. Ўз навбатида бундай салбий натижа учун қувайтлик журналистлар ва араб халқидан узр сўрайман.

Матбуот анжуманининг иккинчи қисмида ОФК кубоги соҳиби «Насаф» жамоаси бош мураббий **Анатолий Демяненко** иштирок этди.

— Барчангизни бугунги ғалаба билан табриклайман, — деди у. — Бутун ўйин давомида бизга мадад берган ва фаоллик билан қўллаб-қувватлаб турган ишқибозларга катта раҳмат! Бу ютуқнинг ўзбек футболида ўз ўрни бор. Ўзбекистон клублари орасидан биринчи бўлиб «Насаф»нинг ОФК кубогида зафар қучганлиги улкан воқеа, десам, муболаға қилмайман. Бу совринни жамоамизга шунчаки совға қилишгани йўқ. ОФК кубоги нафақат «Насаф» жамоасининг, балки бутун Ўзбекистон халқининг ютуғи, деб биламан.

ОФК президенти вазифасини бажарувчи Жанг Жилонг Қаршининг «Насаф» клубини ғолиблик билан табриклар экан, қуйидаги фикрларни билдириб ўтди:

— «Насаф»ни ғалаба билан табриклайман. Бу буюк ўйин бўлди. Бу ўйинни минглаб мухлислар катта ҳаяжон билан кузатишди ва ўйин ҳақиқий финалга мос тарзда кечди.

Финалнинг ажойиб ташкилотчилиги учун Ўзбекистон футбол федерацияси ва унинг президенти Мираброр Усмоновга миннатдорлик билдираман.

Дарҳақиқат, бу учрашув Ўзбекистон футболи жадал суръатларда тараққий этаётганлигини яна бир бор намоён этди. «Насаф» жамоаси футболчилари халқаро майдонда юртимиз довруғига довруғ қўшиб, спортчиларимизнинг ҳеч кимдан кам эмасликларини, Ватанимиз истеъдодларга бой эканлигини барчага кўз-кўз қилди. Бу ҳар биримизнинг қалбимизни ғурур ва ифтихорга тўлдиради.

**Эркин ХОЛБОБО,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

AFC CUP

# ОФК КУБОГИ СОҲИБЛАРИ


Алишер СУЛТОНОВ, «Насаф» ПФК президенти


Абдурашид ПАРДАЕВ, клуб вице-президенти


Усмон ТОШЕВ, жамоа бош менежери


Анатолий ДЕМЯНЕНКО, жамоа бош мураббийи


Виталий НИ, клуб спорт директори


Владимир БЕРДНИКОВ, илмий мураббий


Виктор МОРОЗ, катта мураббий


Рўзиқул БЕРДИЕВ, мураббий


Вячеслав БОГОДЕЛОВ, мураббий


Алишер ТУРДИҚУЛОВ, бош маъмур


Валишер НОРМАТОВ, мураббий-маъмур


Муроджон ЗУҲУРОВ, дарвозабон


Михаил НАУМОВ, дарвозабон


Элдор СУЮНОВ, дарвозабон


Аҳрол РИСҚУЛЛАЕВ, ҳимоячи


Шерзод АЪЗАМОВ, ҳимоячи


Артём ФИЛИПОСЯН, ҳимоячи


Боян МАЛИШИЧ, ҳимоячи


Фозил МУСАЕВ, ярим ҳимоячи


Лутфулла ТЎРАЕВ, ярим ҳимоячи


Элдор БОЙМАТОВ, ярим ҳимоячи


Эркин БОЙДУЛЛАЕВ, ярим ҳимоячи


Андрейс ПЕРЕПЛЁТКИНС, ярим ҳимоячи


Артур ГЕВОРКЯН, ярим ҳимоячи


Жаҳонгир ЖИЯМУРОДОВ, ярим ҳимоячи


Мирзакамол КАМОЛОВ, ярим ҳимоячи


Иван БОШКОВИЧ, ҳужумчи


Кенжа ТЎРАЕВ, ҳужумчи


Илҳом ШОМУРОДОВ, ҳужумчи


Шуҳрат МИРХОЛДИРШОЕВ, ҳужумчи


Носир ОТАҚЎЗИЕВ, ҳужумчи


Азамат АЛЛАНИЁЗОВ, ҳужумчи


Сергей ДЕРЕПОВСКИЙ, жамоа шифокори


Ҳамза МАВЛОНОВ, массажчи


Шавкат ЕРЁМИН, массажчи


Ботир САЛИМОВ, ҳайдовчи

ЎзХДП: «Истиқбол» ёшлар қаноти

# Фарзандлари соғлом юрт

## қудратли бўлур

Ҳар бир халқ ўз келажагини ёшлар тимсолида кўради. Салоҳиятли, интилувчан ва қобилиятли авлодгина юрт тақдирига дахлдорлик туйғуси билан яшаб, унинг равнақи учун маъсулиятни чуқур ҳис этади. Мамлакатимизда ёшлар сиёсати борасида амалга оширилаётган ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад — ҳар жиҳатдан етук, соғлом фикрли, қалбида бир дунё орзу ва ишонч бўлган комил инсонларни тарбиялашдан иборат.

Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳрида ёшлар қаноти ташаббуси билан «Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур!» шиори остида ўтказилган тадбирда шу хусусда фикр юритилди.

Олмалиқ шаҳар ҳокимлиги туман маданият ва спорт ишлари бўлими билан ҳамкорликда ташкил этган мазкур тадбирда маҳаллий Кенгаш депутатлари, партия фаоллари, ёшлар қаноти аъзолари, тегишли ташкилот вакиллари иштирок этди. Жамиятимиз равнақида ёш авлод ҳиссаси, бу борада ёшлар қаноти амалга ошираётган ишлар кўлами ҳақида фикр юритилди. Таъкидландики, ёшларнинг давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирокини таъминлаш учун, аввало, уларнинг сиёсий фаоллиги, ҳуқуқий маданиятини шакллантириш лозим. Шундагина йигит-қизлар юртимизда бўлаётган ўзгаришлар, дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга теран нигоҳ билан қарайди, дейишди сўзга чиққанлар.

**Шавкат ДАМИНОВ,**
*«Истиқбол» ёшлар қаноти Олмалиқ шаҳар бўлими етакчиси:*

— Бугун давр ёшлардан ижтимоий-сиёсий фаоллик, теран дунёқараш, янгича ташаббус ва куч-ғайрат талаб қиляпти. Ўсиб келаётган ёш авлодда бу фазилатларни шакллантиришга партиямизнинг «Истиқбол» ёшлар қаноти муносиб ҳисса қўшмоқда. Айни чоғда, Олмалиқ шаҳрида ЎзХДП аъзолари сони 992 нафар, шундан 18 дан 30 ёшгача бўлган ёшлар 320 нафарни ташкил этади. Ёшларни фойдали меҳнатга жалб этиш, қобилиятини ўстириш, ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва бўш вақтини самарали ўтказиш бўйича «Истиқбол» қатор ташаббусларни илгари сураяпти.

**Мавжуда ИЛЁСОВА,**
*Олмалиқ шаҳар Кенгаши депутати:*

— Партия ишини кучайтиришда унинг барча аъзолари birдек фаол ҳаракат қилиши зарур. Шундан келиб чиқиб, биз депутатлар электорат манфаатини ҳимоя қилишда партия ташкилотлари ва қанотлар билан ҳамкорликда фаолият олиб боряпмиз. Айниқса, ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини ошириш ва уларни иш билан таъминлашда бу яхши самара беряпти. Шунингдек, уларни қийнаётган муаммоларни ўрганиш ва бу бўйича депутатлик ваколатларидан кенг фойдаланган ҳолда таклифлар тайёрлашда қанот билан баҳамжиҳат ишлаяпмиз. Бу, албатта, келажак эгаларининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, улар орасига янада чуқурроқ кириб боришда муҳим аҳамиятга эга.

**Муҳиддин ҲАМЗАЕВ,**
*Навоий тоғ-кон муталлургия институти Олмалиқ филиали 2-босқич талабаси. «Ёш тарғиботчилар» гуруҳи аъзоси:*

— Гуруҳимиз аъзолари партия дастурий мақсадларини амалга ошириш, қанот олдидаги вазифаларни бажариш, ёшлар манфаатига қаратилган ташаббуслар билан чиқишда изчил фаолият юритмоқда. «Истиқбол» ўз лойиҳаларининг кўпчилигини чекка ҳудудларда ташкил этиш орқали ёшлар орасига янада чуқур кириб бораяпти. Айни вақтда қанот етакчилари ёшларни қизиқтирган масалаларни ҳам ўрганиб чиқишмоқда. Партия шаҳар кенгашида ёш мутахассисларни партия сафига қабул қилиш бўйича ҳам мунтазам иш олиб бораяпмиз. Негаки, партия сафини тўлдиришда сонга эмас, сифатга эътибор қаратишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Ёшлар муаммоларини ҳал этиш бўйича шаҳар Кенгашидаги депутатлик гуруҳи билан йўлга қўйган ҳамкорлигимиз ўз самарасини бераяпти. Ҳуқуқий маслаҳатхоналарга ёрдам сўраб мурожаат қилган ёшлар муаммоларини депутатлар иштирокида ўрганиб, малакали юрист, иқтисодчи ва бир қатор ижтимоий соҳа вакиллари билан биргаликда ҳал этмоқдамиз.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланишни истаган ҳар бир ёшни эътиборда тутиб, уларга назарий ва амалий кўмак бериш, ўз ишини бошлаши учун қўллаб-қувватлашга қаратилган ҳаракат хусусидаги мулоҳазалар иштирокчиларда қизиқиш уйғотди. Тадбир сўнгида ёшлар ўзларини қизиқтирган саволлар билан депутатлар ва партия фаолларига мурожаат қилишди.

Шунингдек, тадбирда ёшларнинг сиёсий ва иқтисодий, ижтимоий жараёнлардаги иштирокини янада фаоллаштиришда қанотнинг мавжуд имкониятлардан янада самарали фойдаланиш кераклиги алоҳида таъкидланди. Унинг фаолиятини кучайтириш, депутатлик гуруҳлари ва ҳудудий партия ташкилотлари орқали йигит-қизлар манфаатини ифода этиш, улар дуч келаётган масалаларни кўтариб чиқиш ва уларни бартараф этиш бўйича таклиф-мулоҳазалар билдирилди.

**Акмал ТУРСУНБОЕВ,**
**ЎзХДП Марказий Кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчиси.**

# Мустаҳкам таянч

2006 йили партия қошида ташкил этилган «Истиқбол» ёшлар қаноти ўз сафига кўплаб иқтидорли ва салоҳиятли ёшларни бирлаштирди. Улар партия дастурий ғояларини амалга оширишда изчил ҳаракат қилмоқда.

Шунингдек, «Ёш сиёсатчи» кўрик-танлови ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаяпти. Мен ҳам бу йил мазкур танловда иштирок этиб, сиёсий ва ҳуқуқий билимимни синаб кўрдим. Ўйлайманки, танлов бугун партия сафидаги ҳар бир йигит-қиз учун муҳим аҳамият касб этмоқда.

Яна шуни айтиб ўтиш керакки, қанотнинг кадрлар захирасини тайёрлашдаги ўрни ҳам сезиларли бўлаяпти. «Истиқбол»дан етишиб чиққан бир қатор йигит-қизлар вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари раиси вазифаларида ишламоқда. Айниқса, маҳаллий Кенгаш депутатлигига сайланган тенгдошларимиз билан фахрлансак арзийди. Зеро, ёшлар қаноти партиямизнинг мустаҳкам таянчидир.

Ҳозирги пайтда вилоятимизда 4030 нафар йигит-қиз «Истиқбол» ёшлар қаноти аъзоси. Улар ёшларнинг партияга бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш, ўз сафини ташаббускор ва қайноқ қалб йигит-қизлар билан тўлдиришга муносиб ҳисса қўшиб келяпти. Биз бу каби сафдошларимиз янада кўпайишини, партиямизнинг илғор ғоялари амалга ошишида уларининг алоҳида ўрни бўлишини истаймиз.

**Умидхон ҲОШИМОВ,**
**«Истиқбол» ёшлар қаноти Жиззах вилоят бўлими етакчиси.**

ЎзХДП: «Фаол аёллар» қаноти

# Меҳр ва ишонч

## янги ташаббусларга чорлайди

ЎзХДП Сайловолди дастурида хотин-қизларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини ошириш, уларни иш билан таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга алоҳида урғу берилган. Албатта, бу вазифа партиянинг «Фаол аёллар» қаноти зиммасига катта масъулият юклайди. Бунинг учун хотин-қизлар манфаати ҳимояси йўлида жиддий амалий ишлар қилиш, аниқ таклиф ва ташаббуслар билан чиқиш, уларнинг меҳрини қозониш лозим. Хўш, партиянинг фаол аёлларини бирлаштирган мазкур қанот бу борада қандай ишлар қилмоқда?

**Мухтасар АБДУРАҲМОНОВА,**
***ЎзХДП «Фаол аёллар» қаноти етакчиси:***

— Партиямиз аъзоларининг 155 мингдан ортиғини хотин-қизлар ташкил этади. Уларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини ошириш, сиёсий жараёнларда фаоллигини кучайтириш бизнинг асосий вазифамиздир. Шу мақсадда қилинаётган эзгу ишлар туфайли партиямизга ишонч билан қаровчи хайрихоҳ аёллар сафи кенгаймоқда. Йил бошидан буён 7690 нафар хотин-қиз партия аъзолигига қабул қилинди.

Биз, биринчи навбатда, салоҳиятли, эл-юрт манфаатини кўзлаб иш юритадиган ташаббускор аёллар сафини кенгайтиришга эътибор қаратаяпмиз. Хотин-қизлар орасига кириб бориб, турмуш муаммоларини ўрганиб, амалий кўмак бераётганимиз улар орасида партиямиз нуфузини оширмоқда. Бу борада жойлардаги фаолларимиз билан ҳамкорлик ўрнатганмиз. Ғузор туманида «Хотин-қизлар ва ёшларнинг бандлигини таъминлашда касаначиликнинг ўрни» мавзусида амалий семинар ўтказдик. Тадбир доирасида меҳнат ярмаркаси ташкил этилди. Унда 17 та корхона 170 та бўш иш ўрни билан қатнашди. Худди шундай тадбир Навоий вилоятида ҳам бўлиб ўтди. У касаначи хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга бағишланди. Унда иштирок этган сенатор ва депутатлар касаначиликнинг ҳуқуқий асослари ҳақида тушунча берди. Шундан сўнг хотин-қизлар Кармана туманидаги касаначи аёллар тажрибаси билан танишди. Тадбир якунида касаначилар ташкил этган кўргазма намойиш этилди.

Шуни ҳам айтиш керакки, айрим жойларда аёллар меҳнатини расмийлаштиришда айрим муаммолар бор. Бир неча йилдан буён касаначи сифатида фаолият кўрсатаётган аёлларга меҳнат дафтарчаси очилмаган. Шу боис, бу ҳолни бартараф этиш учун тегишли идора ва ташкилотлар билан ҳамкорлик лозим.

Бир гуруҳ фаолларимиз «Касаначилик тўғрисида»ги қонун лойиҳасига ўз таклиф ва мулоҳазаларини тақдим этишди. Ҳар бир ҳаракатимиз амалий натижа бериши учун астойдил ишлашга ҳаракат қиляпмиз. Лекин ишимизда ҳали камчилик кўп. Айниқса, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий саводхонлигини ошириш жараёнида муносиб иштирок этишимиз керак.

Партиямизнинг 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурида оилавий тадбиркорлик ривожига кўмаклашиш алоҳида ўрин тутади. Биз бу борада мақтанишимизга ҳали эрта. Ҳамма вилоятларда ҳам қанот фаолияти яхши йўлга қўйилган, деб бўлмайди. Айрим етакчиларимизда ҳали ташкилотчилик, тажриба етишмайди. Вилоят, туман ва шаҳар партия кенгашларида ишлаётган етакчиларимизда масъулият ва фидойиликни ошириш лозим.

**Комила КАРОМОВА,**
***Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:***

— Сўнгги йилларда ишбилармон, тадбиркорликка иштиёқи баланд аёлларни қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилаяпти. Бу, айниқса, ҳудудларда касаначиликни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган амалий ишларда ўз ифодасини топаяпти. Мазкур йўналишдаги ҳаракат самараси янада ошишида ҳуқуқий асос мустаҳкам бўлиши муҳим, албатта. Фракциямиз фаолиятида бунга алоҳида эътибор беряпмиз.

Яқинда «Касаначилик тўғрисида»ги қонун лойиҳаси тайёрланди. Фракциянинг «Аҳоли бандлиги ва даромадлари ўсишини таъминлашда касаначиликнинг ўрни, мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимлари» мавзусидаги йиғилишида лойиҳа атрофлича муҳокама этилди. Партиямизнинг «Фаол аёллар» қаноти хайрли ишлар қилаётганини инкор этиб бўлмайди. Аммо бугун ҳаётдаги янгиланиш ва ўзгаришлар хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишни талаб этмоқда. Айниқса, қишлоқ туманларида бу борада эътибор қаратиладиган муаммолар оз эмас. Бунда қанот етакчиси ўрин тутиши лозим. Қанот хотин-қизлар ичига чуқур кириб бориб, уларни ҳаракатлантирувчи кучга айланиши керак.

**Гулшан АСАТОВА,**
***ЎзХДП «Фаол аёллар» қаноти масъул ходими:***

— Хотин-қизларни фаол турмуш тарзига жалб қилишда ижтимоий шерикчилик ғоятда муҳим аҳамиятга эга. Шу маънода, қанотимиз нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан мунтазам ҳамкорлик ўрнатган. Хусусан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси вилоятларда саломатлик тадбирлари ўтказаяпмиз. Кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизлар саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида ташкил қилинган мазкур тадбирга малакали тиббиёт мутахассислари жалб қилиняпти. Бу акция давомида 15 мингга яқин аёл тиббий кўрикдан ўтказилиб, уларга керакли ёрдам ва маслаҳатлар берилди.

**Сайёра САМАНДАРОВА,**
***ЎзХДП «Фаол аёллар» қаноти Хоразм вилоят бўлими етакчиси:***

— Жорий йилнинг ўтган даврида вилоят партия ташкилоти қошидаги Жамоатчилик қабулхонасига хотин-қизлардан 144 та мурожаат тушган, шунинг 112 таси маҳаллий ҳокимият идоралари ва ҳамкор ташкилотлар ёрдами билан ижобий ечим топди. Айтиш керакки, мурожаатларнинг аксарияти ишга жойлашиш масаласида эди. Шундан келиб чиқиб, хотин-қизлар бандлиги борасидаги ишларимизни кучайтирдик.

Урганч шаҳрида истиқомат қилувчи Мақсуда Отажонова ишга жойлашиш масаласида ёрдам сўраб келди. Партиямиздан Урганч шаҳар Кенгаши депутати Камола Раҳимова бу муаммони ҳал этди, ёрдам сўраган аёл «Ипотека банк»нинг вилоят филиалига ишга жойлашди.

Бундай мисоллар оз эмас ва бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, бирор ҳудудда аёллар муаммога йўлиқса, аввало «Фаол аёллар» қаноти ёрдам кўрсатиши лозим. Бу борада маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳларимиз ёрдамига таянишимиз яхши самара беради.

Бироқ ҳаёт бугун сиёсий партиялар зиммасига катта вазифалар юкламоқда. Хотин-қизлар манфаатини ҳимоя қилишга йўналтирилган «Фаол аёллар» қаноти ҳам давр талабидан келиб чиқиб, ташаббуслар билан чиқиши ва кўпчиликка манфаат етадиган амалий ишлар билан шуғулланиши керак.

•••

*ЎзХДП «Фаол аёллар» қаноти партия аъзоси бўлган пешқадам аёллар ҳаракати деган маънони англатади. Қанот фаолияти хотин-қизларимиз ҳаётидек серқирра бўлса, уларнинг меҳрини ва ишончини қозонса, партиямиз мавқеини янада мустаҳкамлайди.*

**Лазиза ШЕРОВА**

# Ижодкорлар салоҳиятининг намойиши

## VI Тошкент халқаро замонавий санъат биенналеси якунланди

Ёшлар ижод саройида шу муносабат билан бўлиб ўтган тадбирда турли вазирлик ва идоралар, ижодий ва жамоат, халқаро ташкилотлар ва дипломатик корпус вакиллари, мусаввирлар, санъатшунослар, олий таълим даргоҳларининг профессор-ўқитувчилари, талаба-ёшлар иштирок этди.



Ўзбекистон Бадиий академияси раисининг ўринбосари Ж.Миртожиев, VI Тошкент халқаро замонавий санъат биенналеси директори С.Бобоев, Ўзбекистон халқ рассоми Ж.Умарбеков ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий маънавиятимиз, маданиятимиз ва санъатимиз ривожи йўлида кўрсатилаётган улкан эътибор ижодкорларни янгидан-янги парвозлар сари илҳомлантиришда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда бадиий таълимни янада такомиллаштириш, санъат йўналишидаги билим даргоҳларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, халқимизни миллий ва жаҳон санъати намуналаридан баҳраманд этиш, ёшларнинг диди ва тафаккурини юксалтириш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борадаги эзгу саъй-ҳаракатлар янгидан-янги истеъдод соҳибларини аниқлаш, уларнинг фаолиятидан халқимиз, кенг жамоатчиликни хабардор этиш, миллий тасвирий санъатимизнинг ютуқларини жаҳонга таништириш имконини бермоқда.

Ўзбекистон Бадиий академияси Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси билан ҳамкорликда бадиий йўналишдаги миллий мактаб ва анъаналарни асраб-авайлаш ва изчил равнақ топтиришга оид кўплаб ижодий лойиҳаларни амалга оширмоқда. Фотография санъати бўйича «TashkentALE» халқаро кўргазмаси, «Тасвирий санъат+5» санъат ҳафталиги, Тошкент халқаро болалар расмлари биенналеси, юртимиз рассомларининг «Фарзандингман, Ўзбекистон!» мавзуидаги республика кўргазмаси, бебаҳо маънавий меросимизга оид «Ўзбекистон жавоҳирлари» ижодий лойиҳаси шулар жумласидандир.

Тошкент халқаро замонавий санъат биенналеси мазкур ижодий лойиҳалар орасида алоҳида нуфузга эга. Истиқлол йилларида барча жабҳалар, жумладан, санъат соҳасида эришилган улкан ютуқ ва марраларни сарҳисоб этиш, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий соҳалардаги бунёдкорлик ишлари кўламини тасвирий санъат орқали жаҳонга кенг таништириш, ижодкорларнинг ўзаро мулоқоти учун қулай шароит ва имкониятлар яратиш мазкур биенналенинг асосий мақсадидир. VI Тошкент халқаро замонавий санъат биенналеси «Замонавий санъат: жамият ва рассом ҳудуди» шиори остида ўтказилди.

Кўргазмада ўзбекистонлик рассомлар билан бирга Австрия, Буюк Британия, Бельгия, Бирлашган Араб Амирликлари, Германия, Греция, Франция, Испания, Польша, Озарбойжон, Жанубий Корея, Хитой, Ҳиндистон, Россия, Украина сингари ўттизга яқин давлатдан 150 нафардан зиёд мўйқалам соҳиби қатнашди. Улар томонидан тақдим этилган асарлар замонавий тасвирий санъатнинг турли жанр ва услубларини қамраб олгандир.

Биеннале доирасида кўргазма заллари, галереялар, музейларда «Услуб бу — мен», «Кумуш аср», «Кўза — фазовий тафаккурнинг шакли сифатида», «Марказий Осиё минтақаси — 2011», «Отто Диксга хос жиддий услуб» мавзуларида ранг-баранг ва қизиқарли лойиҳалар, ижодий кўргазмалар ташкил этилди. «Ўзбекистон — умумий уйимиз» мавзуидаги бадиий кўргазма эса миллати, дини, ижтимоий ҳолатидан қатъи назар, мамлакатимизда барча ижодкорларнинг самарали фаолият кўрсатиши, изланиши ва меҳнат қилиши учун зарур шароит ва имкониятлар яратилганининг яна бир ёрқин далили бўлди.

Турли маданиятларнинг ўзаро алоқаси ва санъатига бағишланган илмий-назарий муҳокамада юртимиз ва жаҳон тасвирий санъатининг бугунги ривожи, истиқболдаги вазифалар атрофлича муҳокама этилди. Қизиқарли учрашувлар, маҳорат сабоқлари, ижодий анжуманлар биенналега янада ёрқинлик ва кўтаринки руҳ бағишлади. Тасвирий санъат байрами қўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрида ҳам давом этгани хорижлик иштирокчиларни юртимизнинг қадимий ва бой тарихи, бугунги бунёдкорлик ишлари, рўй бераётган улкан ижобий ўзгаришлар билан атрофлича таништириш имконини берди.

— Тошкент замонавий санъат биенналеси юксак савияда, кўтаринки руҳда ўтказилди, — дейди испаниялик мусаввир Хорхе Онтиверос. — Ушбу санъат байрамлари Ўзбекистоннинг турли соҳалар бўйича анча илгарилаб кетганини яққол намоён этди. Саховатли, меҳмондўст ўзбек замини, илтифотли, оққўнгил, бағрикенг халқингиз, бетакрор табиат манзаралари ҳар бир ижодкор учун битмас-туганмас илҳом манбаи эканини англадим.

— Ўзбекистонга биринчи марта келишим, — дейди австриялик рассом Кристиан Рупп. — Бу табаррук замин тасавуримдагидан ҳам гўзал ва мафтункор, тарихи, маданияти ва санъати, маънавий мероси бой юрт экан. Қадимий меъморий обидалар мени жуда ҳайратлантирди. Улар келгусидаги асарларимнинг муҳим мавзусига айланади. Ўзбекистонда санъатга бўлган меҳр-эътибор халқингиз маънавияти, юксак ижодий-интеллектуал салоҳиятининг ўзига хос кўзгусидир.

— Ҳакамлар ҳайъати аъзоси сифатида биенналега тақдим этилган лойиҳалар, асарларни диққат билан кўздан кечирдим, — дейди Жанубий кореялик рассом Лим Ёнг Су. — Уларнинг ранг-баранглиги, замонавий санъатнинг видео-арт, инсталляция каби кўплаб йўналишларини ўзида мужассам этгани диққатга сазовор. Бадиий академия Марказий кўргазмалар залида ташкил этилган Ўзбекистон миллий павильони биенналенинг барча лойиҳалари ичида энг мукаммали ва яхшиси эканини ҳамма иштирокчилар бирдек эътироф этди. Президент Ислом Каримов томонидан кўрсатилаётган улкан эътибор ва ғамхўрлик, мамлакатингизда ижод аҳли учун яратилган имкониятлар мўйқалам соҳибларининг самарали меҳнат қилишида муҳим омил бўлаётир.

VI Тошкент халқаро замонавий санъат биенналеси якунига кўра, ўзбекистонлик рассом Файзулла Аҳмадалиев «Қадим Бухоронинг дурдоналари» мавзуидаги туркум асарлари учун Гран-прига лойиқ топилди. Биринчи ўрин Буюк британиялик Сара Рэзага «Марказий Осиё» лойиҳаси учун берилди. Яна бир ҳамюртимиз Диёр Розиқовнинг «Механизмлар» лойиҳаси эса иккинчи ўринга сазовор бўлди. Учинчи ўрин австриялик Кристиан Руппга «Брендлар» лойиҳаси учун берилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# Бухорода янги аэровокзал ишга тушди







Отабек МИРСОАТОВ (УзА).

**Самолёт аста-секин қўнмоқда. Борт кузатувчисининг: «Бухорога хуш келибсиз! Бугун «Бухоро» халқаро аэропортида янги йўловчи терминали иш бошлайди, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси сизга янги аэровокзал хизматларидан фойдаланишни таклиф этади», деган овози жаранглайди. Бу сўзлар Бухоро аҳолиси ва меҳмонлари учун қувончли воқеа – барча халқаро стандартларга мос аэрокомплекс ишга тушганидан дарак беради.**

Бухоро шаҳри Шарқ меъморчилигининг ўзига хос ноёб дурдонаси бўлиб, қадимий ёдгорликлари билан бутун дунёга машҳур. Ҳар йили жаҳоннинг турли мамлакатларидан минглаб сайёҳлар бу ерга келишни, шаҳардаги бетакрор тарихий обидаларни кўришни орзу қилади. Маълумки, аэровокзал стратегик объект сифатида воҳа иқтисодиётини, шу жумладан, туризмни ривожлантиришда муҳим ўрин тутади. «Бухоро» халқаро аэропорти кейинги йилларда мамлакатимизнинг йирик ҳаво йўли бекатларидан бирига айланди.

1999 йилда аэропортга «халқаро» мақомининг берилиши унинг жаҳон миқёсида эътироф этилганидан далолат бўлиб, аэропорт жамоаси зиммасига янада катта масъулият юклади. Аэровокзалнинг турли хизматлари ва аҳил жамоаси ўзларига юклатилган вазифаларни муваффақият билан уддалади. Жорий йил бошида «Бухоро» аэропорти халқаро сифат тизимини жорий этиб, ISO 9001:2008 стандарти бўйича халқаро сифат сертификатига эга бўлгани ҳам бунинг далилидир.

2010 йилда «Бухоро» халқаро аэропорти элликка яқин даъвогарлар орасида «Аэропорт» халқаро ассоциацияси эътирофига кўра МДҲдаги энг яхши аэропорт деган номга сазовор бўлди. Бу ерда электрон чипталарнинг жорий этилгани, мустаҳкам моддий-техник базанинг мавжудлиги, самолётларни таъмирлаш ва улар учун туриш жойларининг кўпайгани, учиш-қўниш йўлакларининг чанг ва қордан тозалашда янги технологияларнинг қўлланаётгани, йўловчиларга кўрсатиладиган хизмат турларининг кенгайгани ва сифати ошгани танлов ҳайъати аъзолари томонидан юқори баҳоланди. Таъкидлаш керакки, «Бухоро» аэровокзали 2008-2009 йилларда ҳам ушбу нуфузли танловда ғолиб чиққан эди.

...«Бухоро» аэропорти биноси байрамона безатилган. Карнай-сурнай садолари янграб, шўхчан ашула ва рақслар ижро этилди. Осмонга миллий байроғимиз акс этган рамзий ракета учирилди. Фахрий меҳмонлар тантана иштирокчиларини табриклади. Вилоят ҳокимлиги, миллий авиакомпаниямиз, пудратчи ташкилотлар вакиллари истиқлол йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз фуқаро авиацияси жадал ривожланаётгани ва салмоқли натижаларга эришаётганини таъкидладилар. Қисқа муддат ичида қуриб битказилган ушбу аэровокзалнинг фойдаланишга топширилиши ҳам бунга ёрқин мисол бўла олади.

...Ҳаяжонли дақиқалар яқинлашмоқда. «Бухоро» халқаро аэропорти директори Т.Баҳроновга аэровокзалнинг рамзий калити топширилади. Тадбир меҳмонлари йўловчиларга куну тун хизмат кўрсатадиган, улар учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида мазкур аэропорт халқаро мақомга эга аэровокзалларга қўйиладиган замонавий талаблардан келиб чиқиб барпо этилгани, бу ердаги терминал эса тобора ошиб бораётган йўловчилар оқимини инобатга олган ҳолда ташкил қилинганини алоҳида қайд этдилар.

**Халқаро терминал йўловчиларга кенг турдаги жаҳон стандартларига мувофиқ хизматларни кўрсатади. Янги аэровокзал бир соатда 400 нафар йўловчи ва сайёҳларни қабул қилиш ҳамда жўнатиш имконига эга. Бу эса ўтган йилги кўрсаткичлардан қарийб уч баравар ортиқдир. Бу ерда барча турдаги хизматлар кўзда тутилган: VIP ва CIP заллар, она ва бола хонаси, тиббий пункт, авиакассалар, валюта айирбошлаш шохобчаси, почта бўлими ҳамда «Duty free» тармоқ дўконлари. Буларнинг барчаси аэропорт ва мамлакатимиз транспорт инфратузилмасини янада ривожлантиришга хизмат қилади.**

Бугун «Бухоро» халқаро аэропорти нафақат кун сайин кўпайиб бораётган мунтазам рейслар, балки Европа, Америка ва Осиёнинг кўплаб давлатларидан сайёҳларни олиб келаётган чартер рейсларга ҳам хизмат кўрсатмоқда. Аэропортда турли русумдаги самолётларни қабул қилиш ишлари халқаро талабларга мувофиқ йўлга қўйилган. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясидан маълум қилишларича, «Бухоро» халқаро аэропортида жорий йилнинг тўққиз ойида 1914 та ҳаво қатновига хизмат кўрсатилган, 74 минг нафардан зиёд йўловчи ташилган ва бу режалаштирилган кўрсаткичдан 19 фоиз кўпдир.

«Бухоро» халқаро аэропорти янги аэровокзалининг ишга туширилиши мамлакатимиз иқтисодиётини янада юксалтириш ва халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Яна янги рейслар, янги йўналишлар, янги ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилади. Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, «Бухоро» халқаро аэропорти мамлакатимиз нуфузининг жаҳон миқёсида янада юксалишига муносиб ҳисса қўшади.

**С.ТОЖИЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

# Инсонийлик дорилфунуни

**Бугун дунёнинг бир томонида — тўқлик ва тўкинлик, иккинчи томонида — нотинчлик ва қирғин. Газета ўқиган, «зангори экран» томоша қилган киши ер юзида содир бўлаётган воқеаларни кўриб, ҳайратга тушади. Биров қуради, дунёни обод қилади, биров бузади...**

Одамларни ўзаро бирлаштирувчи, бир-бирига боғловчи меҳр-оқибат ва диёнат туйғулари азал-азалдан ўзбекчиликнинг мазмун-моҳиятини ташкил этади. Маҳалла аталмиш ўзини ўзи бошқариш органлари оммани бирлаштириб, жипслаштириб туради. Олижаноб ҳис-туйғулар, одамийлик ана шу мўътабар дорилфунун юзага келишига замин яратган.

Собиқ иттифоқ давридаги бирмунча заиф, бирон-бир ваколатга эга бўлмаган ва атиги бир киши жамоатчилик асосида раислик қилган собиқ маҳаллалар замирида демократик асосда сайлаб қўйиладиган, жамоатчиликнинг ҳурмат-эътиборига сазовор инсондан иборат махсус ўзини ўзи бошқариш органлари юзага келди. Уларнинг маҳаллий ҳокимият идораларига тенглаштирилган кенг қамровли ҳуқуқий мақоми белгиланди. Маҳалла институтининг бу соҳадаги ваколати, ўрни ва роли бир қатор қонун ҳужжатлари, жумладан 1999 йили қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунда ёрқин аксини топди.

Маҳалла — фуқаролик жамиятининг асосий бўғини, демократик қадриятлар, миллий ва дунёвий турмуш намуналари, анъанавий удумлар, урф-одатлар ёрқин намоён бўладиган чинакам ҳаёт масканы, тарбия дорилфунуни. Халқимизнинг истиқлол давридаги йигирма йиллик ижтимоий турмуши буни ёрқин ифода этди.

**Маҳалла ҳаётига оид ўзбекона тамойил юқоридаги қонуннинг 1-моддасида акс эттирилган: «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши — фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланган, уларнинг ўз манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек, миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилиш борасидаги мустақил фаолиятдир».**

Шундан ҳам аёнки, давлат халқ оммасининг азалий ва анъанавий урф-одатларига хайрихоҳ бўлиб қолмай, балки мазкур тамойилларни қонун орқали ишончли тарзда ҳимоя қилади. Ўзини ўзи бошқариш органлари мазкур урф-одатларнинг кафолати сифатида фаолият кўрсатади. Демократизм, ошкоралик, ижтимоий адолат, инсонпарварлик, маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ечишда мустақиллик, жамоатчилик асосидаги ўзаро ёрдам бу тизим фаолиятининг асосий тамойилларидир.

«Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг шаклланиши ва ривожланиши учун зарур шарт-шароит яратадилар, уларнинг ишларига аралашишга йўл қўймайдилар, фуқароларга ўзини ўзи бошқаришга доир ҳуқуқларни амалга оширишда кўмаклашадилар». Қонуннинг 6-моддасида баён қилинган бу қоиданинг амалдаги ижросига оид мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказилган кейинги сайловлар чоғида намоён бўлган ўзаро ҳамкорлик бунинг яна бир далили. Қонуннинг 7-моддасида баён этилишича, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмайди ва қонун билан берилган ўз ваколатларини тегишли ҳудудда амалга оширади. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари юридик шахс ҳуқуқларидан фойдаланади, белгиланган намунадаги муҳрга эга бўлади ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ҳисобга олиниши керак».

Фуқаролар йиғинига берилган кўпдан-кўп ваколатлар орасида мазкур идоранинг фаолият дастури ва харажатлар сметасини, ҳудудни ривожлантиришни таъминлаш, аҳоли масканларини ободонлаштириш ва уларнинг санитария ҳолатини яхшилашга қаратилган тадбирлар режасини тасдиқлаш; қонунлар ва қонун ҳужжатларининг, шунингдек, ўз қарорларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш; йилнинг ҳар чорагида туман, шаҳар ва вилоят ҳокимликлари, тегишли ҳудудда жойлашган корхона, муассаса ва ташкилот раҳбарларининг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш идоралари фаолиятига кирувчи масалалар юзасидан ҳисоботларини эшитиш, фуқароларнинг мурожаатлари бажарилишини назорат қилиш, умумий фойдаланишдаги жойларни таъмирлаш, кам таъминланган оилаларнинг уйларини таъмирлашда ёрдам кўрсатиш учун аҳолидан ихтиёрий асосида маблағ йиғиш, ўз ҳудудидаги ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга кўмаклашиш, гузарлар барпо қилиш каби муҳим вазифалар бор.

**Фуқаролар йиғини раиси эса фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини рўйхатга олиш, нотариус бўлмаган жойларда унинг ваколатига кирувчи айрим нотариал ҳаракатларни амалга ошириш билан боғлиқ баъзи ҳуқуқий тадбирларни ҳам бажариши мумкин. Таъкидлаш лозимки, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, улар мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорларини бажариш фуқаролар, шунингдек, шу ҳудуддаги юридик шахслар учун мажбурийдир.**

Булар маҳалланинг давлат ва жамият ҳаёти, бинобарин, кучли фуқаролик жамиятининг ижтимоий-маънавий ва сиёсий негизига айланаётганидан далолат беради.

Биз бу фикр-мулоҳазаларни бежиз келтирмаяпмиз. Жорий йили ўтказилган сайловларда шаклланган янги таркибдаги маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари қизғин амалий фаолият майдонига келди. Янги таркибдаги фуқаролар йиғинининг дастлабки иш натижалари ҳам кўзга чалиниб қолди.

Биргина Хоразм вилоятининг ўзида шаклланган 654 та фуқаролар йиғини ва унинг 6 мингдан зиёд маслаҳатчилари корпуси халқимиз ва давлатимиз ўртасидаги жипсликнинг мустаҳкамлашда чиндан ҳам катта ва таъсирчан куч ҳисобланади. Қадимий Питнак ҳудудидаги шаҳар ва қишлоқларда фаолият кўрсатаётган 15 та маҳалла фуқаролар йиғини раиси ҳамда 91 нафар маслаҳатчи-фаоллар олдида ҳам шу каби муҳим ва долзарб вазифалар турибди. Юқорида тилга олинган қоидалар улар учун энг муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилади. Зеро, истиқлолимиз ва фуқаролик жамияти тамойиллари, қонунчилигимиз талаблари ана шу мезонларга суянганнинг қўли доимо баланд бўлишини кўрсатади.

**Зилола ОЛТИБОЕВА,**
**Питнак шаҳар ФҲДЁ бўлими мудири,**
**Абдулла СОБИРОВ,**
**журналист.**

Хориж

# Пойтахт шаҳар

## сув остида қолиши мумкин

***Таиланд пойтахти Бангкокдаги иккинчи катта аэропорт ҳисобланмиш «Дон Муэанг»нинг учиш ва қўниш майдонлари сув тошқини остида қолганидан сўнг мамлакат бош вазири Йинглак Чинават сув тошқини билан боғлиқ хавф-хатар кўлами тўғрисида баёнот берди. Унинг огоҳлантиришича, шаҳардан ўтувчи Чаопрая дарёсидаги шлюз (сув сатҳи турлича бўлган бир жойдан иккинчи жойга кемаларни ўтказиш учун хизмат қилувчи гидротехник иншоот) ва кўтармалар сув кўпайиб бориши натижасида юзага келадиган босимга бардош беролмаслиги мумкин. Бу эса пойтахт сув остида қолишини англатади.***



Бунинг олдини олиш эса муниципал хизматлар, армия ва бошқа қутқарувчилар ишни қандай ташкил этишига боғлиқ, дея хабар беради ИТАР-ТАСС.

Бангкок шаҳри губернатори Сухумбханд Парибатнинг айтишича, Чаопрая дарёсидаги сув сатҳининг кўтарилиши 15 йил аввал юз берган сув тошқини даражасидан ҳам хавфлироқ тус олди. Яъни ўтган ҳафта ўртасида дарёдаги сув сатҳи денгиз сатҳидан 2,4 метр юқори даражага кўтарилган. Сув сатҳининг кўтарилиши давом этмоқда. Кўтарилиш 2,6 метрга етиши мумкин ва дарё қирғоқларидаги кўтармалардан тоша бошлайди. Энг хавфлиси шуки, дарё қирғоқларидаги бетон тўсиқлар сув босимига бардош беролмай бузилиши ва бутун шаҳар сув остида қолиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Ҳозир 9 миллион кишилик пойтахтнинг 50 та муниципал округида аҳолини хавфсиз ҳудудларга кўчириш ишлари давом эттирилмоқда. Айни пайтгача 366 киши мазкур табиий офатнинг қурбонига айланди, 3 миллиондан ортиқ одам жабрланди, 800 минга яқин уй-жой сув остида қолди. Ҳозиргача 1,2 мингта бошпана манзиллари ва 200 та кўчма госпитал ташкил этилди. 720 мингдан зиёд одам тиббий ёрдам сўраб мурожаат этган.

Яна бир таъкид шуки, дарёда 4 миллиард куб метрга яқин сув Бангкокка янги хавф туғдирмоқда. Агар дарё қирғоқларидаги бетон тўсиқларнинг сув босимига бардоши етмаса, шаҳарнинг ўнг қисми 2 метрлик, чорак қисми эса 1 метрлик, яна чорак қисми ярим метрлик сув остида қолади.

# Хорижий валюта муомаласида

## янги чеклов жорий этилди

***Беларус миллий банки хорижий валюта муомаласида юридик шахслар учун янги чеклов жорий этди. Яъни эндиликда фақат шартнома мажбуриятларини бажариш ёки кредит қарзини тўлаш учун хорижий валюта сотиб олишга рухсат берилади. Бундан ташқари, юридик шахслар фақат битта банкдагина хорижий валюта ҳисоб-рақами очиши мумкин. Шу пайтгача улар турли банкларда ҳисоб рақами очиш имкониятига эга бўлган эди.***



Бундан буён жисмоний шахслар фақат паспорт бўйича валюта сотиб олиши мумкин.

Миллий банк маълумотномасида қайд қилинишича, жорий йилда мамлакатда хорижий валюта тақчиллиги юзага келган. Шу боис расмий нарх ва «қора бозор» нархи ўртасидаги фарқ деярли икки баравар ортиб кетди. Валюта инқирозига қарши кураш доирасида мамлакат маъмурияти рублни долларга нисбатан уч марта девальвация (муомаладаги қадрсизланган қоғоз пулларни бекор қилиш ёки қийматини тушириш) қилишга мажбур бўлди.

# Ер юзи аҳолиси

## 7 миллиардга етди

***БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси (UNFPA) томонидан тайёрланиб, Лондонда эълон қилинган «Дунё аҳолиси — 2011» маърузасида қайд қилинишича, дунё аҳолиси 2100 йилга бориб 10 миллиарддан ортиши мумкин. Агар туғилиш бугунги кундаги даражадан бир неча марта тезлашадиган бўлса, у ҳолда аҳоли сони 15 миллиарддан ҳам ошиши эҳтимолдан холи эмас.***



Ҳисоб-китобларга қараганда, 2050 йилга бориб дунё нуфуси 9,3 миллиард кишини ташкил этади.

Таъкидлаш жоизки, БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси (UNFPA) маърузаси кеча, яъни 31 октябрда сайёрамиздаги аҳоли сони 7 миллиардлик кўрсаткичга етиши олдидан айтилган.

Тадқиқотлар шундан далолат бермоқдаки, кейинги 60 йилда дунё бўйича туғилиш кўрсаткичи ҳар бир онага аввалгидек 6 нафар эмас, балки 2,5 нафар чақалоқ тўғри келади. Демак, туғилиш умумий ҳисобда камайган.

Ҳозирги кунда бу кўрсаткич ривожланган мамлакатларда бир онага 1,7 нафар, ривожланаётган давлатларда эса 4,2 нафар чақалоқ тўғри келади.

Умуман, сайёрамиз нуфусининг ортиб боришига инсоният эришган ютуқлар асосий омил бўлмоқда — инсоннинг умр кўриш даражаси узайган, саломатликни асраш борасидаги ишлар 60 йил аввалгидан анча яхши йўлга қўйилган.

XXI аср — интеллектуал бойлик асри

# Илмли юксак мақсадларга интилади

**Биз яшаётган XXI аср — интеллектуал бойлик ҳукмронлик қиладиган аср.**

**Кимки бу ҳақиқатни ўз вақтида англаб олмаса, интеллектуал билим, интеллектуал бойликка интилиш ҳар қайси миллат ва халқ учун кундалик ҳаёт мазмунига айланмаса, бундай давлат жаҳон тараққиёти йўлидан четда қолиб кетиши муқаррар.**

**Ислом Каримов**



Юртимиз — олиму фузалолар юрти. Азалдан илм аҳлига алоҳида ҳурмат-эътибор кўрсатиб келинган. Бу жараён бугунги кунда янгича кўриниш ва мазмунда давом этаётир. Навниҳол ўғил-қизларимизнинг билими ва салоҳиятини дунё эътироф этмоқда. Бугун фан-техника мисли кўрилмаган даражада шиддат билан ривожланиб, инсониятнинг яшаш шароитини осонлаштиришга, қулайлаштиришга қаратиляпти. Айрим тадқиқотчилар фикрича, фан-техника ютуқлари айнан сўнгги юз йилликка тўғри келади. Гап телевидение, компьютер техникаси, инсоннинг осмонни забт этиши, нанотехнология вужудга келиши ҳақида бормоқда.

Кекса авлод вакилларининг ёдида бордир, ўтган асрнинг 60-йилларида фан-техника янгиликларидан ҳайратга тушган олимлар XXI асрнинг бошларига келиб, инсоният зиммасидаги жуда кўп юмушлар тўла-тўкис техника воситалари қўлига ўтишини башорат қилишган.

Бироқ, тараққиёт, янгиланишлар ўз-ўзидан амалга ошиб қолмайди. У қаттиқ меҳнат, энг асосийси, чуқур билим талаб қилади.

Бугун фарзандларимиз замонавий мактаб, коллеж, лицей ва олий ўқув юртларида чуқур билим олишмоқда. Гапнинг рости, ўғил-қизларимиз таълим-тарбия олаётган шарт-шароитларни кўриб, биз кекса авлоднинг ҳаваси келади. Бундай эътибор ва ғамхўрлик, шубҳасиз, бугунги ёшлар орасидан Ватанимиз номини дунёга таратадиган кўплаб даҳолар чиқишига мустаҳкам, ишончли замин яратади.

Президентимиз таъкидлаганидек: «**Бир ўйлаб кўрайлик, бундан ўн-ўн беш йил олдин мактабларимиз, умуман, таълим муассасаларимиз қай аҳволда эди?**

**Ўша пайтда уларнинг бугунгидек энг замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув-услубий воситалар билан жиҳозланишини, спорт инфратузилмасига эга бўлиши, мактаб ҳаётига интернет тизими кенг кириб боришини ким фараз қила олар эди?»**

Биз буларни фараз ҳам қила олмас эдик. Аммо Ватан мустақиллиги, меҳнат, интилувчанлик, ғайрат-шижоат, фидойилик хаёлотни ҳақиқатга айлантирди. Энг муҳими, биз буларнинг ҳаммасини кўриб-билиб, англаб-ҳис қилиб, бу улуғ ишларга ҳисса қўшаётганимиздан ғурурланиб яшаяпмиз.

Бугунги кунда ҳатто энг олис қишлоқда таълим олаётган мактаб, лицей ёки коллеж ўқувчиси ҳам бемалол интернетга кира олиш имкониятига эга. Бу, шубҳасиз, жуда катта ютуқ.

Аммо бир нарса одамни ўйлантиради. Кейинги йилларга келиб, айниқса, шаҳарларимизда турли компьютер ўйинлари марказлари, интернет-кафелар ёмғирдан кейинги қўзиқоринлардай бодраб чиқаяпти. Деярли ҳар қадамда кўп қаватли уйларнинг биринчи қаватига жойлашган, алоҳида бинога эга интернет-кафеларга дуч келамиз. Албатта, буларнинг бўлгани яхши. Аммо бу интернет-кафелар деярли ҳамиша ёш болалар билан тўла эканлигини ва уларнинг аксарияти турли компьютер ўйинларига бошлари билан шўнғиб кетганлигига эътибор берганмисиз? Яна қанақа ўйинлар денг? Экранга бир муддат қараб турсангиз, этингиз увишиб кетади: арвоҳлар, босқинчилар, дарё-дарё оқаётган қон, зўрлик-зўравонлик, ярим-яланғоч қизлар...

Шубҳасиз, компьютер техникасининг бугунги кундаги мислсиз аҳамиятини тўла-тўкис эътироф этамиз. Умуман, ҳаётимизни компьютерсиз тасаввур этиб бўлмайди. Айни пайтда инсон даҳоси яратган бу мўъжиза фақат эзгуликка, яхшиликка хизмат қилиши лозим деб ўйлаймиз.

Хўш, кўплаб ёшларимиз онг-шуурини эгаллаб олаётган компьютер ўйинлари қаердан пайдо бўлган, нега у айниқса ўсмирлар ўртасида бу қадар оммалашиб кетмоқда?

Бу саволларга жавоб излаш асносида илмий манбалар билан ҳам танишиб, баъзи тарихий маълумотларга эга бўлдик. Иккинчи жаҳон уруши авж олиб турган 1942 йили Томас Голдсмит ва Истл Рей Меннон исмли олимлар дастлабки компьютер ўйинларини яратишган. Бир қарашда шунчаки эрмак, кўнгил очар ўйин, озгина ақл талаб қиладиган машғулот бўлиб кўринган бу ўйинлар технологияси тобора мукаммаллаша борди. Натижада унга қизиқувчилар сони геометрик прогрессия билан ўса бошлади.

IDC таҳлил компанияси тарқатган хабарларга қараганда, геймерлар, яъни компьютер ўйинларининг ашаддий ишқибозлари сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Бугунги кунда ер юзида энг камида 300 миллион киши мунтазам равишда компьютер ўйинларини ўйнайди. Яна 15 миллион ўта ашаддий геймер эса тун-кун фақат ўйин стратегиясини ўйлаб, компьютерни бир амаллаб ютиш ташвиши билан банд. Улар компьютер ёнидан кетмайдиган ихтиёрий телбалардир.

Талаб бор экан, таклиф ҳам оша боради. Биргина мисол: маълумотларга қараганда, Disney компанияси 2008 йили янги компьютер ўйинларини яратиш учун 180 миллион доллар сарфлаган. MTV Network Viacom эса видео ўйинлар учун икки йилда ярим миллиард доллар сарфлашини маълум қилган.

Голливуднинг ишбилармон тадбиркорлари эса кўп сонли геймерлар эътиборини ўз маҳсулотларига жалб қилиш учун ўн миллионлаб ашаддий ишқибозларга эга ўйинлар асосида бадиий фильмлар ишлаб чиқармоқда.

Балки шулар сабабдир, кейинги йилларда дунё бўйича йилига компьютер ўйинлари бозори 15-19 фоизга ошгани ҳолда, кино бозоридаги ўсиш бор-йўғи 4 фоизни ташкил этмоқда.

Энди бир неча оғиз сўз — жаҳонни ўргимчак тўридек ўраб олган Интернет тизими ҳақида.

Европа Комиссияси маърузасида таъкидланишича, бугунги кунда 250 миллион европалик Интернетдан мунтазам равишда фойдаланувчи мижозларга айланишган. Айниқса Нидерландия, Дания, Финляндия каби мамлакатларда энг кўп «Интернет жиннилари» истиқомат қилишади.

Аммо айни пайтда ўзларида бундай имконият бўла туриб, Европа мамлакатлари аҳолисининг 40 фоиздан ошиғи ҳали бирон марта Интернет тармоғи хизматидан фойдаланмаган. Хусусан, Руминия, Болгария ва Грециянинг 60 фоизга яқин аҳолиси Интернетдан умуман фойдаланмасликларини билдиришган. Афсуски, бу хизматдан воз кечганларнинг асосий қисмини катта ёшдагилар ва нафақадагилар ташкил этади. Ёшлар ва ўсмирлар учун эса Интернет замонавий турмуш тарзининг ажралмас қисмига айланиб улгурди.

Мана шу ўринда Интернет тармоғидан ақл билан фойдаланишнинг қанчалар самара келтириши мумкинлиги ҳақида андаккина тўхталиб ўтамиз.

Америкалик Эшли Коуллс исмли ўқувчи қиз ўз онасидан 8 доллар қарз олади ва шу пулга Интернетда ўз сайтини очади. Эшли whateverlife.com сайтига ўзининг ижод намуналарини киритади. «Сен дунёдаги энг яхши боласан», «Сен туфайли бугун куним ажойиб ўтди», сингари юздан ортиқ ёқимли, «Кўп халақит берма», «Мени тинч қўй» каби сал зардали ибораларга атаб турли-туман расмлар чизади. Эшли ҳар битта иборага «жонли» открытка яратади. Махсус дастур орқали эса сайтга кирган киши бирон иборага ўзининг оригинал расмини ҳам яратиши мумкин бўлади.

Сайт тез орада, айниқса, ўсмирлар орасида жуда машҳур бўлиб кетади. Улар бир-бирларига Эшлининг жонли открыткаларини юбора бошлайдилар. Рекламачилар ҳам бу сайтга қизиқиб қолишади. Натижада мактаб ўқувчиси Эшли Коуллс рекламачилар билан шартномалар тузиб, ўзининг дастлабки маблағини ишлаб топади.

Сайт мухлислари сони эса янада ошаверди. Орадан уч йил ўтиб, яъни Эшли 17 ёшга етганида ҳар куни ўзининг сайтига бир неча юз минг киши кираётганига гувоҳ бўлади. Бу эса қизга бир йил ичида бир миллион доллардан кўпроқ маблағ ишлаб олиш имкониятини яратади.

Эшли катта уй сотиб олади, унинг биринчи қаватини офисга айлантиради. Бизнес бошлашига ёрдам берган онасини ва бир неча дугонасини катта маошли ишга олади.

...17 ёшли мактаб ўқувчиси Катрин Кук ҳам айнан Интернет кўмагида миллионерга айланди. У ёшларни бир-бирига таништирадиган myYearbook.com сайтини очган. Бу сайтга кираётганлар сони бир ярим йил ичида 3 миллиондан ошиб кетди. Натижада Катрин акасидан қарзга олган 250 минг долларни фоизи билан қайтариб берди.

Бугунги кунда мактаб ўқувчисининг офисида унинг ўттиздан ортиқ тенгдоши меҳнат қилишмоқда.

Бундай мисоллар жуда кўп. Албатта, Интернетни истаганча танқид қилиш мумкин. Аммо Интернет болаларнинг бемаъни ўйинлари учун эмас, интеллектуал меҳнат учун, ҳаттоки пул ишлаб топиш учун яратилганлигини унутмайлик. Оқил одам эса бу имкониятдан унумли фойдаланиб қолади. Ҳатто у мактаб ўқувчиси бўлган тақдирда ҳам...

Илмнинг нафақат инсон ва жамият ҳаётида, балки Ватан шон-шуҳратини оширишда ҳам қанчалар катта аҳамиятга эга бўлиши ҳақида яна бир мисол келтириб ўтсак.

Математика — аниқ фан. Гўё бу фанда ҳаммаси аниқ ва равшандай. Аммо фанларнинг отаси ҳисобланган математика билимдонлари, оқил олимлар, докторлару академиклар неча-неча асрлардан бери Пуанкаре гипотезасини исботлай олмай келишарди. Ниҳоят дунё математиклари бу бошқотирмани ечган олимга бир миллион доллар мукофот ваъда қилишди. Лекин барибир «Гипотезани исботладим», деган мард топилавермади. Ҳолбуки, қанчадан-қанча «манаман» деган олимлар бу жумбоқ устида бош қотиришарди. Буни қарангки, тўрт йил бурун Санкт-Петербург шаҳрида яшайдиган, институтда катта илмий ходим бўлиб ишлаётган 41 ёшли Григорий Перельман гипотезани тўла-тўкис исботлади. Дунё олимлари ҳайратда! Ҳамма унга тан берган! Лекин Григорий Перельман ўзига бериладиган бир миллион долларлик мукофотдан воз кечди. Ҳолбуки, Перельман деганлари шаҳар чеккасидаги торгина икки хонали уйда онаси билан фақирона, маошга яшар экан. Балки Перельман асрлардан бери жумбоқ бўлиб келаётган гипотезани исботлаб, кашфиётга эришган маҳали ҳис қилган шодлигини, бахтини миллион доллардан қиммат деб ҳисоблагандир. Ким билади дейсиз. Аммо олимнинг меҳнати барибир ўз мукофотини топди. Яқинда Британияда бугунги кунимизда ер юзида ҳаёт кечираётган даҳо инсонлар рўйхати эълон қилинди. Перельман бу рўйхатнинг 9-қаторида турибди. Тирик даҳолар рўйхатининг тўққизинчи қаторида! Қаранг, оддий бир математик ҳам ўз номини, ҳам Ватанини яна бир бор дунёга танитди. Шу эмасми илмнинг кучи! Шу эмасми истеъдоднинг кучи!



Турмуш тарзимизда «Мақсад улуғлиги» деган тушунча бор. Яъни мақсад қанчалик юксак бўлса, инсоннинг парвози ҳам шунча баланд бўлади. Мен бу жумлага «Инсонийлик мезони» деган тушунчани ҳам қўшган бўлардим. Зеро, ҳамма ҳолларда ҳам мақсад воситани оқлайвермайди. Бошқача айтадиган бўлсак, илм-фан ютуқларини эгаллашга уриниш энг аввало инсоният манфаатига, унинг тараққиётига таъсир қилиши керак.

Ахир атом бомбалари, ядро бомбалари, оммавий қирғин қуроллари ҳам олимлар томонидан ўйлаб топилган. Тўғри, атом ва ядро қувватлари бани башар манфаати учун хизмат қилдирилмоқда. Аммо бирон телба одам ядро тугмачаларини босиб юбориши билан омонат сайёрамизда учинчи жаҳон уруши бошланиб кетмайди, деб ким кафолат бера олади? Эйншнтейн таъкидлаб ўтганидай, учинчи жаҳон урушидан кейин одамлар яна ўқ-ёйларга ўтишади. Яъни ер юзида қирилиб кетган инсоният тамаддуни янгидан бошланади. Ҳа, ёвузликка йўналтирилган иқтидор таназзулга олиб келиши мумкин.





**IDC таҳлил компанияси тарқатган хабарларга қараганда, геймерлар, яъни компьютер ўйинларининг ашаддий ишқибозлари сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Бугунги кунда ер юзида энг камида 300 миллион киши мунтазам равишда компьютер ўйинларини ўйнайди.**

**Гап айланиб, яна ҳар қандай илм-фан тараққиётга, фақат ва фақат инсоният учун, унинг оғирини енгил қилиш учун, тамаддун тараққиётини жадаллаштириш учун хизмат қилиши керак, деган фикрга келиб тақалади. Юқорида айтилган мулоҳазалардан келиб чиқадиган мухтасар хулоса нимадан иборат? Аввало ҳар бир киши, айниқса ёшлар ўтаётган вақт қадрига етиши зарур. Кейин бу вақтнинг бир лаҳзасини ҳам орқага қайтариб бўлмайди. Иккинчидан, ўзни юксак мақсадларга чоғлаш лозим. Яъни, маҳалла доирасида қолиб кетишни эмас, ўз илми ва салоҳияти билан дунёга чиқишни режалаштириш, бу мақсадга етиш учун астойдил уриниш керак. Токи маҳаллангиз, қишлоғингиз, шаҳарингиз, қолаверса она юртингиз сиз билан фахрлансин. Шундай фарзанд етишиб чиққанидан ғурурлансин. Бу эса сизнинг ўзингизни тарбиялаган, туз-нон берган шу муқаддас заминга, шу буюк халққа нисбатан кўрсатган эҳтиромингиз, фарзандлик бурчини оқлаганингиз бўлади.**

**Абдулҳамид МУХТОРОВ**

Тақдимот

**Вилоят Маънавият ва маърифат Кенгаши томонидан мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишлаб китоб-альбом чоп этилди. Унинг аввалида Фарғона вилоятининг харитаси, майдони, аҳолиси, таркиби, табиати, саноати ва қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоқлари, туманлар ва уларнинг марказлари ҳақида маълумотлар берилган.**

## «Фарғона: истиқлолга шукрона»

Китоб Фарғона вилояти ҳокими Х.Неъматовнинг «Юксалиш ва тараққиёт йиллари» мақоласи билан очилади. Унда вилоятнинг мустақиллик йилларида босиб ўтган шонли йўли, эришган юксак натижалари таҳлил этилган. Умуман, китоб «Тараққиёт одимлари», «Ёшлар орзу-умидимиз», «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон» деган уч бўлимдан иборат бўлиб, ҳар бир соҳа ва тармоқ, ижтимоий ҳаёт ранг-баранглиги билан ўз аксини топган.

Китобда иқтидорли фотосанъаткорлар Шуҳрат Олимов, Машрабжон Саримсоқов, Муқимжон Қодиров олган 500 дан зиёд суратлардан фойдаланилган. Китоб тақдимотига бағишланган анжуманда келгусида уни бир неча тилларга таржима қилиб, зарур маълумотлар билан янада бойитиб қайта чоп этиш истаги билдирилди.

**Муҳаммаджон ОБИДОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Илмий анжуман

## Таълимдаги ҳамкорликлар ривожланади

**Тошкент архитектура-қурилиш институтида «Ўзбекистон ва Швеция: олий таълим соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш» мавзусида семинар бўлиб ўтди.**

Икки кун давом этган семинарда иштирокчилар Европа Иттифоқи томонидан молиялаштириладиган Tempus ва Erasmus Mundus дастурлари ҳамда Швециянинг миллий ҳамкорликни ривожлантириш Linnaus-Palme дастури доирасидаги янги лойиҳаларни муҳокама қилишди. Ўзбекистон ва Швеция олий таълим тизимидаги янгиликлар тақдимоти ўтказилди, минтақада амалга оширилаётган қўшма лойиҳалар, ҳамкорлик ўрнатиш мумкин бўлган янги имкониятлар кўриб чиқилди.

— Ушбу семинар ўзаро тажриба алмашишимизга катта имконият яратди,— дейди Наманган давлат университети халқаро алоқалар бўлими бошлиғи Пўлатхон Лутфуллаев. — Биз Швеция Олий таълим тизимидаги ўзгаришлар ва ютуқлардан хабардор бўлдик. Шу билан бирга, маълум бир соҳаларда улар биздан тажриба ўрганишди.

Ушбу илмий анжуман Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Швеция таълим вазирлиги ҳамда Темпус офиси ҳамкорлигида ташкил этилди.

**(Ўз мухбиримиз)**

## «Ўзбекистон — минтақанинг сайёҳлик марказидир»

**Дунёнинг кенг жамоатчилигини юртимизнинг бой маданий мероси ва тарихий осори-атиқалари билан таништириш мақсадида турли халқаро кўргазма-ярмаркалар ташкил этилмоқда. Улар орасида ҳар йили ўтказиладиган «Ипак йўлида сайёҳлик» Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси алоҳида шуҳрат қозонганки, мазкур халқаро анжуман сайёҳлик йўналиши бўйича Марказий Осиёдаги энг йирик ярмаркалардан бири ҳисобланади.**

Маълумки, «Ипак йўлида сайёҳлик» Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркасининг навбатдаги анжумани мамлакатимиз пойтахтида жорий йилнинг 2-4 ноябрида бўлиб ўтади.

Мамлакатимиз пойтахтида ҳар йили ўтказиб келинаётган мазкур ярмарка дунёнинг турли бурчакларидан бу соҳада шериклик алоқаларини ўрнатишга, янги сайёҳлик маҳсулотларини тақдим этишга ҳамда наф келтирадиган шартномаларни тузишга интилаётган меҳмонларни ўзига жалб этмоқда. Жорий йилда ярмарка ишида 500дан ортиқ чет эл сайёҳлик компаниянинг, шунингдек, қарийб 100 нафар хорижий оммавий ахборот воситалари вакилларининг ҳозир бўлиши кутилмоқда.

Яқинда Ўзбекистоннинг Сингапурдаги дипломатия ваколатхонаси томонидан мамлакатимиз сайёҳлик салоҳиятига бағишланган тақдимот маросими ўтказилди. Унда иштирок этган Сингапурнинг етакчи сайёҳлик агентликлари ва ОАВ вакиллари Ипак йўли бўйлаб сайёҳликни ривожлантириш, ўзбек халқининг бой тарихий, маънавий ва маданий мероси, мамлакатимизнинг жўғрофий, табиий иқлим шароити, шунингдек, сайёҳликни ривожлантиришнинг устивор йўналишлари ҳамда сайёҳлик индустриясида яратилган сармоявий имкониятлар тўғрисидаги батафсил маълумот билан танишдилар.

**Сингапурдаги «Raffles Holidays» сайёҳлик агентлигининг бош директори Шида Али** Ўзбекистон ҳукумати томонидан сайёҳлик инфратузилмасини ривожлантириш, дунё аҳамиятига молик кўп асрлик меъморий ёдгорликларни таъмирлаш ва уларни асраб-аввайлаш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларни юқори баҳолади. Унинг фикрича, Ўзбекистоннинг бой тарихий ва маданий мероси дунё сайёҳларини ўзига жалб этувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади.

**«Exora Travel» ва «Country Holidays» сайёҳлик агентликларининг раҳбарлари Муҳаммад Нур ва Энди Йео** таъкидлашича, Ўзбекистоннинг бой маданий ва тарихий мероси ҳар икки мамлакат сайёҳлик компанияларига сайёҳлар сонини оширишга қаратилган ҳамкорликни янада фаоллаштириш учун жуда қулай шарт-шароит яратади.

«**EDN Media» компаниясининг бошқарувчи директори Иззат Исмоил** фикр билдирганидек, кўплаб ноёб меъморий обидалар қатори юртимизнинг гўзал табиати ва замонавий сайёҳлик инфратузилмасининг мавжудлиги Ўзбекистоннинг минтақадаги етакчи сайёҳлик маркази эканидан далолатдир.

Бўлиб ўтган тақдимот маросими якунида Сингапурдаги кўплаб сайёҳлик компаниялари томонидан ўзбекистонлик туроператорлар билан амалий ҳамкорлик ўрнатилишидан, шунингдек, 17-Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси чоғида «Ўзбектуризм» Миллий компанияси билан биргаликда сингапурлик туроператорлар ва ОАВ вакиллари учун инфо-турнинг ташкил этилишидан манфаатдор эканликлари маълум қилинди.

**«Жаҳон» АА**

Табриклар

Реклама










Молия муассасаларида

Реклама ўрнида

# «Асака» банк: тадбиркорларнинг ишончли ҳамкори

**Молия хизматлари бозорида ўз мавқеини мустаҳкам сақлаб келаётган «Асака» давлат-акциядорлик тижорат банкининг Тошкент шаҳар филиали ўз ваколатлари доирасида мижозларга барча турдаги банк хизматларини, жумладан, ҳисоб-касса хизматлари, пул маблағларини сақлаш, миллий ва хорижий валютада кредитлар ажратиш каби хизматларни тақдим этмоқда.**

Филиалда 6 та мини банк, 3 та махсус касса ва 71 та коммунал ва бошқа хизматлар учун тўловларни қабул қилувчи касса шохобчалари орқали аҳоли ва хўжалик субъектларига барча турдаги банк хизматлари кўрсатиб келинмоқда.

Мижозларнинг талаб-эҳтиёжларини қондириш, иқтисодиётнинг турли соҳаларида фаолият кўрсатувчи йирик саноат корхоналаридан тортиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига намунали молиявий хизматлар кўрсатиш филиал жамоасининг ягона мақсадидир. Мамлакатимизда 2011 йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилинганлиги филиалда кичик бизнес соҳасини молиявий қўллаб-қувватлаш, ўз маблағлари ва хорижий кредит линияларини жалб қилган ҳолда, кредитлар салмоғини оширишга катта имконият очди.

Президентимизнинг 2011 йил 24 августдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони мазкур соҳанинг ривожланишига янада катта имкониятлар яратмоқда. Ҳозирги кунда банк филиали томонидан асосий эътибор кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро ҳамкорликни янада такомиллаштириш ва соддалаштиришга, тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиш сифатини оширишга, уларга ажратилаётган кредитлар, биринчи навбатда, янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишга, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилишга ва технологик янгилашга йўналтириладиган узоқ муддатли кредитлар ҳажмини кўпайтиришга қаратилмоқда. Шу билан биргаликда, жорий йил 1 сентябридан бошлаб кичик бизнес субъектларидан миллий валютада ҳисобрақами очганлик учун тўлов ундириш бекор қилинди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг кредитлар ажратиш ҳақидаги аризаларини кўриб чиқиш муддати уч банк кунидан ошмаслиги белгиланди. Мазкур субъектларга банк кассаларига энг кам иш ҳақининг йигирма баробари миқдоригача бўлган нақд пул тушумини мустақил топшириш ҳуқуқи берилди.

Шунингдек, Президентимизнинг Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш тўғрисидаги қарори тадбиркорлик фаолияти кўламларини кенгайтириш, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш ва маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кўпайтиришда кичик бизнес субъектларининг фаол иштирок этишлари учун қулай шарт-шароитларни яратишда муҳим омил бўлмоқда.

Банк филиали томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларини молиялаштириш, экспортбоп ёки импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш, маҳаллий хом-ашёни қайта ишлаш ҳисобига халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳамда шу орқали янги иш ўринлари барпо қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.



Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида филиал томонидан хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан 29,3 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилди.

Шунингдек, «Асака» банк ва Тошкент банк ҳисоб-кредит коллежи ўртасида ўқувчиларнинг «Устоз — шогирд» тизими асосида танишув, ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётларини ташкил этиш, битирувчиларни иш билан таъминлаш каби ишлар амалга оширилмоқда. Филиал жорий йилда ушбу коллежнинг 5 нафар битирувчисини ишга қабул қилди.

Юртбошимизнинг Таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги фармони ижросини таъминлаш мақсадида филиал томонидан 15 млн.сўм миқдорида кредитлар ажратилди.

Ёш оилаларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида изчил ишлар олиб борилмоқда. Чунончи, жорий йилнинг 9 ойи мобайнида 68 нафар ёшга 1157 млн. сўм миқдорида имтиёзли шартларда кредитлар ажратилди, шундан 14 нафар ёш оилага 890 млн. сўм ипотека, 46 нафар ёшга 99 млн. сўм истеъмол кредитлари, 8 нафар ёшларга 168 млн. сўм микрокредитлар берилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш ҳажмларини ошириш бўйича қўшимча чора- тадбирлар тўғрисидаги қарор асосида тижорат банкларининг имтиёзли кредит бериш жамғармаси маблағлари ҳисобидан устувор равишда кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектларига имтиёзли шартларда кредитлар ажратиш тадбиркорларга бўлган алоҳида эътиборнинг намунасидир. Ушбу йўналишда филиал томонидан 50 млн. сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилди.

Кичик бизнес субъектлари лойиҳаларини молиялаш мақсадида хориж кредит линияси, яъни Осиё Тараққиёт Банки маблағи ҳисобидан жорий йилда 60,6 млн. сўм миқдорида кредитлар ажратилди.



Муродбек ЗИЁ олган суратлар.

Шу йилнинг ўтган даврида филиал томонидан хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантириш учун 3,0 млрд. сўмдан зиёд кредитлар берилди.

Озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат ишлаб чиқарувчи корхоналар ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантириш мақсадида 18,5 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди. Бу эса аҳолининг арзон ва сифатли маҳсулотларга бўлган талабини қондиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти ривожланишида хотин-қизларнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Улар орасида тадбиркорликни йўлга қўйиб, сифатли ва бежирим маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ўз ҳиссасини қўшиб келаётганлар кўпчиликни ташкил этади. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш мақсадида банк филиали томонидан 1,5 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилди.

2011 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, нақд пулсиз ҳисоб-китобларни янада кенгроқ жорий қилиш мақсадида савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларига 349 та терминал ўрнатилди. Муомалага чиқарилган пластик карточкалар сони 88393 тага етказилди, шунингдек, аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида 6 та банкомат ва 6 та инфокиоск ўрнатилди.

Мухтасар айтганда, банк филиали жамоаси истиқболли лойиҳалар, ғоялар устида тинимсиз изланиб, мижозлар эҳтиёжи учун мақбул ва қулай бўлган хизмат турларини тобора кенгайтириб бормоқда.

**Банк Ахборот хизмати.**



# Халқимизни руҳлантирган, ғururини оширган ғалаба

**«Насаф» футболчиларининг ОФК кубогидаги ғалабаси барча юртдошларимизга олам-олам қувонч, шодлик бағишлади. Ҳакамнинг ўйинни якунловчи ҳуштаги янграган пайтда стадиондаги ҳолатни таърифлаб бериш жуда ҳам қийин. Стадион, Қарши кўчалари минглаб мухлислар билан тўлиб-тошди. Уларнинг таассуротлари эса бир олам...**




**Абдулла ОРИПОВ,**
**Ўзбекистон Қаҳрамони,**
**Халқ шоири.**

**Спортда миллионлар ўйини футбол,**
**Ғалаба байроғин доим қўлга ол.**
**Майдонга йигитлар чиқади саф-саф,**
**Темур бобомизнинг шиддати «Насаф».**

**«Насаф» дадил бўл,**
**«Насаф» ҳужум қил,**
**«Насаф» ур гол, гол!**

**Мухлислар қалбини ҳаяжонга сол,**
**Ҳужум қил, дадил бўл, уравергин гол.**
**Эл юрт ишончини оқла бор бўлгин,**
**Азиз халқинг учун ифтихор бўлгин.**

**«Насаф» дадил бўл,**
**«Насаф» ҳужум қил,**
**«Насаф» ур гол, гол!..**











**Убайдулла УВАТОВ, Имом Бухорий халқаро маркази директори, тарих фанлари доктори, профессор:**

— Азал-азалдан халқимиз орасида ажойиб бир удум бор. Тўю томоша, тантанаю юбилей бўладими ёки элу юртимиз ҳаёти билан боғлиқ бирон муҳим воқеа ёки сана бўладими, шундай улуғ кунлар олдидан муқаддас қадамжоларни зиёрат қилиб, ўтган буюк аждодларимиз хотирасини шод этиб, бўлаётган барча хайрли ишларга омад тилаб, яхши ниятлар билан дуойи фотиҳалар қилинади.

Мана шу одатимиздан келиб чиқиб, ўтган шанба — 29 октябрь куни эрталаб Самарқанд вилояти Пайариқ тумани ҳудудидаги Имом ал-Бухорий ёргорлик мажмуаси ёнида Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган Имом Бухорий халқаро марказида ўз малакаларини ошириш бўйича таҳсил олаётган олтмиш нафар имом хатиблар тўпланди. Улар билан бирга ҳадис илмининг султони, буюк ватандошимиз Имом ал-Бухорий ҳазратлари мақбараси зиёрат қилинди, муқаддас Қуръони каримдан тиловат ила у зотнинг ёрқин хотиралари шод этилди. Шундан сўнг ёруғ кўнгил, яхши ниятлар ила «Насаф» жамоасининг ғалабасига комил ишонч билан қадим Қарши томон йўл олдим.

Катта мамнуният билан қайд этиш керакки, Мустақиллик шарофати туфайли мамлакатимиз раҳбарининг спортга, айниқса, миллионлар ўйини бўлган футбол ривожига кўрсатаётган эътибори, яратилган шарт-шароитларга жавобан «Насаф» футбол жамоаси ўйинчилари Ватанимиз шаънини муносиб ҳимоя этишди.

Ҳар бир хайрли, эзгу амалнинг савоби бўлади. «Насаф»нинг одамларга қувонч, шодлик улашган, уларнинг кўнглини кўтарган бу ғалабаси ҳам энг савобли амаллардан бири деб ўйлайман.

Юртимиз футбол тарихида биринчи маротаба эришилган бу тарихий ғалаба халқимиз, бутун юртимиз аҳли қаддини тоғдай кўтарди. «Насаф» жамоасининг бу ғалабаси мамлакатимизда спортга, хусусан, миллионлар ўйини бўлган футболга бўлган қизиқишнинг кескин ошишига сабаб бўлади, иншооллоҳ.

**Сухроб ЁДГОРОВ, Ўзбекистон Миллий университети талабаси:**

— Бугун ОФК кубоги финал баҳсини кузатиш мақсадида Қаршига келдим. Гарчи пойтахтда таҳсил олсам-да, «Насаф» иштирокидаги муҳим беллашувларни кўриш учун туғилиб ўсган вилоятимга келиб тураман. Бугунги ғалаба ҳеч қачон ёддан чиқмайдиган бўлди. «Насаф» футболчилари юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қила олишди. Бу ғалаба бутун Ўзбекистонники!

**Зебинисо НАЗИРОВА, журналист:**

— Бугун нафақат вилоятимизда, балки юртимизда катта байрам. «Насаф» футболчилари унутилмас ғалабани қўлга киритишди. Лекин ҳозир бизнинг кўзимизни қувонтириб турган кубок осонлик билан қўлга киритилгани йўқ. Бунинг замирида машаққатли меҳнатлар ётибди. Ўйинлар ҳам осон кечмади. Айниқса, плей-офф босқичида жамоамиз қийин учрашувларни ўтказди. Футболчилар барча қийинчиликларни матонат билан енгиб ўтиб, ОФК кубогини юртимизда олиб қолишди.

Бу ғалаба футболимиз тараққиётига, ўсиб келаётган ёш футболчиларимизнинг ўзига ишончини оширишга хизмат қилади.

**Жасур УРАЛОВ, «Пахтакор» жамоаси ишқибози:**

— Мен гарчи «Пахтакор» жамоаси ишқибози бўлсам-да, бугун «Насаф» ўйинини кўриш мақсадида Қаршига келдим. Қашқадарё вилоятига биринчи марта келишим. Аввало бу шаҳарнинг гўзаллиги, замонавий стадионини кўриб лол қолдим. Тўғриси, Қаршида шундай спорт иншоотлари бор, деб ўйламасдим. «Насаф» футболчилари бугун ажойиб ўйин кўрсатиб, ҳаққоний ғалабага эришди. Бу ғалаба ҳаммамизники. Ўйлайманки, қаршиликлар қўлга киритган ушбу ютуқ бошқа жамоаларни ҳам халқаро майдонларда янги зафарлар сари руҳлантиради.

**Фарҳод ФАЙЗИЕВ, бухоролик тадбиркор:**

— Юртимиздаги барча футбол ишқибозларига ғалаба муборак бўлсин дейман. «Насаф» клуби қайд этган натижа истиқлолимизнинг 20 йиллигига ажойиб туҳфа бўлди. Мен аввало жамоа бош мураббийи Анатолий Демяненкога раҳмат айтмоқчиман. Чунки ушбу ғолиб жамоани айнан у тузди, у улкан ғалаба сари йигитларни руҳлантирди. Майдонда футболчиларимиз давлатимиз байроғини баланд кўтариб югуришаётганида бутун вужудим титраб кетди. Шу юрт фарзанди эканимдан яна бир бор ғурурландим.

Бундай ғалабалар кўнглимизни тоғдек кўтаради, кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшади.

**Азизбек АҲМАДЖОНОВ, тошкентлик футболчи:**

— Мен ОФК кубоги финал баҳсини кўриш мақсадида Қаршига келдим. Болалигимдан футбол билан мунтазам шуғулланаман. Ҳозир «Олимпик Тошкент» жамоасида шуғулланаяпман. Иккита кучли жамоа ўртасидаги баҳсни кузатиб, улардан кўп нарсани ўргандим.

«Насаф» футболчиларининг кубокни кўтариб майдон бўйлаб югураётганини кўрган пайтимда мен ҳам келажакда яхши футболчи бўлиб ана шундай совринларни қўлга киритаман, деб ният қилдим. Бошқа ёш футболчиларни ҳам кўнглидан шу каби гаплар ўтганига шубҳам йўқ.

**Гулмира НАЖМИДДИНОВА, Бешариқ туманидан:**

— Учрашувни томоша қилиш учун атайлаб Бешариқ туманидан келдик. Сабаби, отам ўзбек футболининг ашаддий ишқибози. Футболга муҳаббат менга отамдан ўтган. Қаршидаги «Марказий» стадионга ўйин бошланишига уч соат қолганида кирдик. Майдон мухлислар билан тўлиб-тошган эди. Уларнинг хурсандчиликларини айтмайсизми?! Кимдир юртимиз байроғини ҳилпиратган, кимдир хонандаларимиз ижросидаги куй-қўшиқларга рақсга тушиб, уларга жўр бўлган... Ҳақиқий байрам тантанаси, дейсиз. Илгари ҳеч қачон футбол майдонларимизда бундай манзарага гувоҳ бўлмаганман. Айниқса, «Насаф» футболчилари кубокни бошлари узра кўтарганда кўнглимни тасвирлаб бўлмас ҳис-туйғулар чулғаб олди. Ўзбекистонлик эканлигимдан жуда-жуда фахрланиб кетдим.



**Сарвар ОЧИЛОВ, «Қашқадарё» газетаси мухбири:**

— Бу улкан зафар бутун юртимиз аҳлини чексиз қувонтирди. Мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан келган футбол ихлосмандлари бир-бирини қучоқ очиб табриклаётганини кўриб, спорт, хусусан, «миллионлар ўйини» миллатни бир-бирига янада жипслаштиришга хизмат қилувчи муҳим омил эканлигига амин бўлдим.

Учрашув якунлангач, стадионга йиғилган мухлислар, футболчиларнинг оила аъзолари ва яқинлари, барча-барча бир-бирларини қучиб, табриклашганини кўрган ҳар қандай одамнинг кўнгли чексиз қувончга тўлади.

Бу ғалаба юртимизда Президентимиз томонидан футболни оммалаштириш, ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ислоҳотлар, юксак эътибор ва ғамхўрлик самараси, деб биламан.

**Камол ота ҚАЛАНДАРОВ, Деҳқонобод туманидан:**

— Тақдиримда бор экан, мана шундай қувончли онларга бевосита гувоҳ бўлдим. Ахир, бу кунларни неча йиллар орзиқиб кутгандик. Илгарилари фақат «Пахтакор» клубига мухлислик қилиш билан чекланардик. Шунда ҳам, уларнинг ўйинларини собиқ иттифоқ чемпионатида кўрардик. Бошқа жамоаларимиз ҳақида-ку, гапирмаса ҳам бўларди. Ўша даврларда футболга бўлган эътибор ниҳоятда паст эди. Шукрки, мустақиллик йилларида спортнинг ушбу турига ҳукумат даражасида эътибор қаратилди. Юртимизда «Пахтакор»дан ташқари, «Бунёдкор», «Насаф», «Шўртан» каби кучли жамоалар пайдо бўлди. Бу эса ўз навбатида мамлакатимиз футбол салоҳиятининг юксалишига хизмат қилмоқда. «Насаф»нинг бугунги ютуғи бундан ҳам катта ғалабаларимизнинг бошланиши.

**Жамшид МУРОДОВ, Китоб туманидан:**

— Учрашувни қўни-қўшнилар билан бирга томоша қилдик. Ўйин бошланишидан аввал барчамиз кучли ҳаяжонда эдик. ОФК кубоги Қаршида қолишини, ўзбек футболининг нималарга қодир эканини бутун дунё кўриб қўйишини ич-ичимиздан истардик. Чунки, ўйин аввалида шарҳловчи ушбу финал жаҳоннинг 30 дан ортиқ мамлакатига тўғридан-тўғри эфирга узатилаётгани ҳақидаги хабарни эшитгандик. Илк дақиқалярданоқ, «Насаф» футболчиларининг дадил ҳаракатларини кўриб, ғалабага бўлган ишончимиз мустаҳкамланди. Ҳатто, қувайтлик футболчилар жавоб тўпини киритишганда ҳам зафар қозонишимизга шубҳа қилмасдик. «Насаф» ҳақли равишда Осиёнинг энг яхши жамоаси эканлигини намойиш этди. Ушбу ғалаба Ўзбекистон футбол соҳасида ҳам ҳеч кимдан кам эмаслигини исботлади.

**Темур АЪЗАМ,**
**Дилшод НАРЗУЛЛАЕВ**
**«Ўзбекистон овози» мухбирлари.**











Хушхабар!

# Абдулла Тангриев – зўрларнинг зўри



**Беш карра Осиё чемпиони, уч карра жаҳон чемпионати бронза медали, Олимпия ўйинлари кумуш медали ва ниҳоят жаҳон чемпионати олтин медали!**

Бу чемпионатга Россия, Франция, Германия, Япония, Жанубий Корея, Бразилия каби 21 давлатнинг энг кучли оғир вазнли дзюдочилари таклиф этилган эди. Улар Олимпия ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатлари ғолиб ва совриндорлари эди. Мана шундай алплар даврасида Абдулла Тангриев чинакам маҳорат ва жасорат кўрсатди.

Дастлаб украиналик, кейин франциялик дзюдочини мағлуб этган Абдулла учинчи беллашувда дзюдо ватанидан келган японияликка қарши курашди. Бу беллашувда ҳам ҳамюртимизнинг қўли баланд келди. У ярим финалда жанубий кореялик жаҳон чемпионини мағлуб этди. Финалда эса Европа чемпионати совриндори, венгриялик дзюдочи устидан соф ғалаба қозонди. Бешта беллашув — бешта ғалаба, улардан учтасида, шу жумладан, финалда СОФ ҒАЛАБА! Офарин, Абдулла!

Абдулла Тангриев дзюдочиларимиз орасида биринчи бўлиб жаҳоннинг мутлақ чемпиони деган шарафли унвонни қўлга киритди. Тарихий ғалабага эришди.

Кучлилардан ҳам кучли полвонимизнинг оламшумул ғалабаси ҳаммамизга муборак бўлсин!

**(Ўз мухбиримиз)**

# Осиё чемпионатидан олти медаль

**Жанубий Кореяда академик эшкак эшиш бўйича ўсмирлар ва катталар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида ўзбекистонлик спортчилар бир олтин, уч кумуш ва икки бронза, жами олтита медални қўлга киритди.**

Ўсмирларимиз тўртликлар ўртасидаги пойгада Осиё чемпионатининг олтин медалига сазовор бўлди.

Яккалик беллашувларида Абубакр Узоқбоев маррага иккинчи келиб, кумуш медалга эга бўлди. Эрназар Ҳамидуллаев ва Зафар Усмонов икки кишилик қайиқда шоҳсупанинг иккинчи поғонасига кўтарилди.

Осиё чемпионатининг катталар ўртасидаги мусобақаларида тажрибали спортчиларимиздан Руслан Наурзалиев ва Вячеслав Дидрих жуфтликлар баҳсида иккинчи ўринни эгаллади. Яна бир кумуш медаль яккаликлар пойгасида маррага иккинчи келган Артём Кудряшовга насиб этди. Хотин-қизлар мусобақасида Наталья Богитова бронза медаль билан кифояланди.

**(ЎзА)**

# Ўзбекистон саноатининг улкан салоҳияти

## Пойтахтимизда V Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржа ниҳоясига етди

**Ўзбекистон саноатчиларининг мазкур форуми Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан ўтказилди. Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржа иқтисодиёт реал сектори корхоналарига зарур хомашё ва кредит ресурсларидан эркин фойдаланиш, ички тармоқ ва тармоқлараро кооперация асосида узоқ муддатли хўжалик муносабатларини шакллантириш ҳамда кенгайтириш учун бозор инфратузилмасини ташкил этишга кўмаклашади.**



Ярмарка ва биржада мамлакатимиз саноати етакчи тармоқларининг улкан салоҳияти ва имкониятлари, ишлаб чиқариш янгиликлари ва маҳсулотлар намойиш этилди. Ўзбекистон саноатининг етакчи тармоқлари, корхоналар ўз маҳсулотларини ишлаб чиқариш секторлари бўйича тақдим этди. Минерал-хомашё ресурсларини геологик қидириш, қайта ишлаш, илмталаб технологиялар, автомобилсозлик, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, электр техника, кимё, фармацевтика, енгил ва озиқ-овқат саноати, қурилиш материаллари, матбаа, транспорт ва транспорт машинасозлиги соҳалари кенг миқёсда намойиш қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 28 ноябрда қабул қилинган «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги фармонида халқаро кооперацияни ривожлантириш зарурлиги қайд этилган. Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржада бу гал Германия, Италия, Буюк Британия, Латвия, Жанубий Корея, Хитой, Польша, Россия, Туркия каби дунёнинг 58 давлатидан хорижий фирма ҳамда компанияларнинг 850 нафардан зиёд вакили қатнашди. Улар мамлакатимизнинг 1030 дан ортиқ корхона ва компаниялари павильон ҳамда стендларда бўлажак харидорларга таклиф этган хилма-хил маҳсулот ва хизматлар билан танишди.

Корхона ва ташкилотлар стендларида айни пайтда импорт қилинаётган маҳсулотлар, маҳаллий хомашё ресурсларидан фойдаланиш, ишлаб чиқаришни технологик модернизация қилиш ҳамда кооперация алоқаларини ривожлантириш асосида ишлаб чиқарилаётган маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар билан танишди.

Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржа доирасида бўлиб ўтган корхона ва тармоқларнинг тақдимот маросимларида уларнинг техник ҳамда технологик имкониятлари намойиш этилди. Ҳар бир вилоят тақдимоти иштирокчиларга ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасидаги мавжуд муносабатларни кенгайтириш ҳамда янгиларини ўрнатиш имконини берди. Ишлаб чиқариш-техник йўналишдаги тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва ускуналарни етказиб бериш ёки сотиб олиш бўйича шартномалар тузилди. Айни пайтда, мамлакатимизнинг барча истеъмолчилари буюмлар, қайта ишланган хомашё ва материалларни қўшимча тендерлар ўтказмасдан тўғридан-тўғри шартномалар асосида сотиб олиш имконига эга бўлди.

Саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржа икки босқичда ташкил этилди: биринчи босқичда ҳудудий ва тармоқлар кўргазма ҳамда ярмаркалари бўлиб ўтган бўлса, иккинчи босқичда Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржа ўтказилди. Амалиёт уларга бўлган қизиқиш тобора ортиб бораётганини кўрсатмоқда. 2010 йилда 715 хўжалик субъекти қатнашган бўлса, бу йил уларнинг сони 1030 дан ошди. Ўтган йили тузилган шартномалар ҳажми 2,6 триллион сўмни ташкил қилди. Дастлабки маълумотларга қараганда, бу галги ярмарка ва биржа якуни бўйича умумий қиймати 3,5 триллион сўмдан зиёд шартномалар имзоланган.

Шу билан бирга, хорижий валютада ҳам шартномалар тузилди. Негаки, ярмарка ва биржада хорижий фирма ҳамда компаниялар вакиллари фаол иштирок этиб, мамлакатимизда тайёрланган маҳсулотларни хорижга етказиб бериш бўйича тегишли шартномалар тузди. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, қиймати 3,9 миллиард АҚШ долларидан ортиқ шартномалар тузилган. Ярмарка ва биржани 70 минг нафардан зиёд киши келиб кўрди. Форумлар доирасида бўлиб ўтган 62 тақдимот маросимида 5,2 минг нафардан ортиқ киши қатнашди.

Барча тадбирлар мамлакатимиз вазирлик ва идоралари, банклари, суғурта компаниялари ҳамда стандартлаштириш ва сертификатлашга ихтисослашган ташкилотларининг мутахассислари иштирокида ўтди ва улар ўзларининг зарур маслаҳатларини берди.

2011 йилда ўтказилган Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржа якунлари, шунингдек, ҳудудий ва тармоқлар кўргазмалари натижалари мамлакатимиз корхоналари саноат кооперациясининг мазмун-моҳияти ортиб бораётгани, саноатнинг етакчи тармоқлари ва кичик бизнес вакилларининг ўзаро манфаатли ҳамкорлиги ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳамда ўз маҳсулотларини етказиб бериш, техник эҳтиёжларни ўрганиш, бозорда харидоргир янги товар ва буюмларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш борасидаги мавжуд имкониятларни кенгайтираётганидан далолат беради. Хорижий шериклар билан инвестицион-иқтисодий ҳамкорлик соҳасида ҳам янги истиқболлар очилмоқда. Шубҳасиз, бундай кўптомонлама ўзаро манфаатли ҳамкорлик мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантириш ва халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

**Виктор НИКОЛАЕВ,**
**ЎзА мухбири**

Касаначилик

# Ҳам дастурхон тўкин, ҳам...

**Биз ота-боболар удумига, азалий анъаналарга содиқ яшаб кам бўлмадик. Касаначилик шундай миллий хусусиятлардан биридир. Моҳият эътибори билан у ҳунармандчилик ва косибликни ёдга солади. Инсон ўз оиласидан узилмаган ҳолда, бир касб-ҳунар билан банд бўлади. Бундан эса ҳам дастурхон тўкин, ҳам бола тарбияси, уй-рўзғор иши давом этади.**

Шу боис Қорақалпоғистон Республикасида унинг ривожига жиддий аҳамият берилиб, аёлларимизга қулай шарт-шароит яратилмоқда.

Шу йилнинг ўтган тўққиз ойида биргина Қўнғирот туманида касаначилик бўйича 245 та янги иш ўрни очилди. Бу иш ўринларини банд этган кишиларнинг 123 нафарини хотин-қизлар ташкил этади. Масалан, Гулнора Шамамбетова Қўнғирот ун заводи ҳиссадорлик жамиятида касаначи. У уй шароитида жуда сифатли нон тайёрламоқда. Ширингул Нуримбетова эса туман Автойўл қурилиш корхонаси тизимида очилган тикув цехида тикувчи, Аманилди Алдашев эса темирчи уста бўлиб иш бошлади. Шуниси яхшики, бу касб-ҳунар туфайли уй шароитида сифатли иш бажарилади.

Туманда касаначиликни қанот ёзишида Қўнғирот ун заводи ҳиссадорлик жамияти етакчи ўрин тутади. Ўтган тўққиз ой ичида жамиятда 55 та янги иш ўрни ташкил этилди. Шунингдек, минтақавий темир йўл тармоғи, «Қорақалпоғистон», «Жаслиқ», «Ақчалоқ» газ магистрал бошқармалари, АТП-63 масъулияти чекланган жамият ҳам туманда касаначилик турлари кўпайишига алоҳида эътибор қаратмоқда. Бунинг натижасида янги-янги иш ўринлари очилиб, ишлаб чиқариш ривожланиши ва дастурхонлар тўкин бўлишига замин яратилмоқда.

**Реймбой ЕШИМБЕТОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

**ОБ-ҲАВО 01-02.11. 2011**

| | БУГУН | ЭРТАГА |
|---|---|---|
| Тошкент | 18°C | 20°C |
| Самарқанд | 17°C | 22°C |
| Нукус | 13°C | 18°C |
| Қарши | 19°C | 24°C |
| Урганч | 13°C | 18°C |
| Навоий | 17°C | 22°C |
| Фарғона | 15°C | 20°C |
| Бухоро | 17°C | 22°C |
| Андижон | 15°C | 20°C |
| Наманган | 15°C | 20°C |
| Термиз | 19°C | 24°C |
| Жиззах | 17°C | 22°C |
| Гулистон | 17°C | 22°C |
| Тошкент вил. | 17°C | 22°C |
| Лондон | 14°C | 15°C |
| Париж | 15°C | 15°C |
| Москва | 5°C | 6°C |
| Мадрид | 15°C | 15°C |
| Пекин | 13°C | 17°C |
| Гонгконг | 27°C | 28°C |
| Рим | 22°C | 24°C |
| Анқара | 17°C | 18°C |
| Токио | 24°C | 25°C |
| Стокгольм | 10°C | 9°C |
| Кейптаун | 17°C | 17°C |
| Қоҳира | 20°C | 23°C |
| Гавана | 27°C | 27°C |
| Вашингтон | 19°C | 18°C |

Интернет суҳбат

# «Шарқ тароналари» қалбимда умрбод қолади» —

## дейди Озарбойжон халқ артисти Назакет Теймурова

**Мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма йиллиги арафасида ўтган «Шарқ тароналари» VIII халқаро мусиқа фестивалининг таассуротлари унинг иштирокчилари хотирасида умрбод қолиши табиий. Озарбойжон халқ артисти Назакет Теймурованинг ижро маҳорати, бетакрор овози нуфузли ҳакамлар ҳайъати томонидан муносиб баҳоланди. Шу боис у ЮНЕСКОнинг «Гўзал овоз соҳибаси» номинациясида ғолиб деб топилди.**

**— Назакет хоним, Ўзбекистон, Самарқанд ва «Шарқ тароналари» фестивали сизда қандай таассурот қолдирди?**

— Ўзбекистонга биринчи марта келган бўлсам-да, юртингиз жозибаси мени мафтун этди. «Шарқ тароналари» фестивали ўтказила бошлангандан буён бу нуфузли санъат анжуманида иштирок этиш ишқида ёнардим. Лекин қандайдир сабаблар билан бу ниятим ортга сурилаверди ва ниҳоят бу йил шундай имконият юзага келди. Орзуларим ушалди. Бундан хурсандман.

Ўзбекистон чиндан ҳам таърифланганидек, жаннатмакон юрт экан. Халқингизнинг самимий муносабати мени лол қилди. Аслида ўзбек ва озарбойжон халқлари нафақат тили ва дини, балки бошқа кўплаб жиҳатлар орқали ҳам бир-бирига яқин. Айниқса, адабиётларимиз ўртасидаги узвийликни алоҳида таъкидлаган бўлардим. Сизлар Фузулий ва Низомий Ганжавийни қанчалик севиб мутолаа қилсангиз, биз Навоийни шунчалик севиб ўқиймиз. Ўз-ўзимизнинг шоиримиз сифатида ардоқлаймиз.

Самарқандни кезар эканман, ўзбек уста-меъморларига тан бердим. Айниқса, Регистон майдонининг маҳобати ва чиройи ҳар қандай одамни лол қилиши, ажиб ҳислар оғушига ташлаши табиий. Шундай майдонда туриб қўшиқ куйлаш ҳар қандай санъаткор учун катта орзу. Бундай бахтни англамоқ учун эса фақат ва яна фақат «Шарқ тароналари»да иштирок этиш ва Регистонда қўшиқ айтиш керак.

**— «Шарқ тароналари» якунланганига икки ойдан ошди. Юртингизга қайтиб боргач, ватандошларингизга Ўзбекистон ҳақида нималарни сўзлаб бердингиз?**

— «Шарқ тароналари»дан қалбимда умрбод ўчмайдиган ҳиссиётлар билан қайтдим. Дарҳақиқат, фестиваль якунланган бўлса-да, унинг ҳаяжонлари ҳамон мени тарк этгани йўқ. Ҳозир сизга бу гапларни айтар эканман, саҳнага чиққан пайтим ёдимга тушиб вужудим жимирлаб кетди. Келажакда яна бир бор ушбу нуфузли фестивалда иштирок этишни ва ғолибликни қўлга киритишни ният қилганман.

Озарбойжонга қайтиб келгач ватандошларимга, яқинларимга Ўзбекистон ҳақида, меҳмондўст ўзбек халқи ҳақида ўзимнинг илиқ таассуротларимни сўзлаб бердим. Айниқса, «Шарқ тароналари» фестивалининг нуфузи ва у ўтказилган Регистон майдони ҳақидаги ҳикояларимни улар қизиқиш билан тинглашди.

**— Биз сизни таникли санъаткор сифатида биламиз. Ижодий фаолиятингиз ҳақида сўзлаб берсангиз?**

— Болалигимдан санъаткор бўлишни орзу қилганман. Шу боис ҳам хонандалик ва актёрликни бирдек олиб боришга ҳаракат қиляпман. 1995 йилдан бери Боку академик театрида актриса бўлиб фаолият юритаман ва «Лайли ва Мажнун» достонида Лайли ролини ижро этиб келяпман. Айнан шу йилда Алиоға Садиев билан танишдим. Шундан бери ажойиб санъаткор, яхши инсон ва дўст бўлмиш Алиоға билан ҳамкорлигимиз давом этиб келяпти. 2000 йилда «Озарбойжонда хизмат кўрсатган артист» унвонини олган бўлсам, 2005 йилда халқ артисти бўлдим. Мен тақдиримдан розиман. Ҳаётда нимагаки интилган бўлсам, барчасига эриша олдим.

**— Ўзбек қўшиқчилик санъати ҳақидаги фикрларингиз?**

— Аввало, ўзбек ва озарбойжон халқларининг санъати ҳам бир-бирига яқин эканлигини таъкидлаб ўтмоқчиман. Ўзбек қўшиқчилик санъати билан танишар эканман, жуда кўп ўхшашликларни учратдим. Мен ўзбек мақомчилигининг энг ёркин намояндаларидан бири бўлмиш Муножот Йўлчиеванинг мухлисиман. Чиндан ҳам у кишининг овоз имкониятларига тан бермай иложи йўқ. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида муваффақиятли равишда концерт дастурларини тақдим этиб келяпти.



**— Сиз учун санъат нима?**

— Санъат — менинг ҳаётим. Умрим давомида қандай яхши кунларни бошдан кечирган бўлсам, ҳаммаси санъат туфайли. Айнан санъатим билан юртимда тан олиндим, чет мамлакатларга чиқдим.

**— Газетхонларимизга тилакларингиз...**

— Мен халқингизнинг санъатсевар эканлигига тан бердим. Бундай санъатсевар инсонлар фақат яхши кунлар кўришга муносиб. Яна бир жиҳат, Ўзбекистон тинч мамлакат. Ана шу тинчликни қадрига етинг. Мустақиллик нима эканлигини биз, собиқ иттифоқ даврини кўрган одамлар биламиз. Ўзбек ёшларига айнан Мустақилликни авайлаб-асрашларини тилардим. Самарқандда ўтган кунларимни ҳеч қачон унутмайман. «Шарқ тароналари» қалбимда умрбод қолади. Ҳаммаси учун ўзбек халқига раҳмат айтаман! Сизлар билан яна дийдор кўришишдан фақат хурсанд бўламан!

**«Ўзбекистон овози» мухбири Темур АЪЗАМ суҳбатлашди.**

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari), G'affor HOTAMOV (Bosh muharrir o'rinbosari), Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va sport — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80;
Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 1046
10228 nusxada bosildi.

t — Tijorat materiallari
Topshirish vaqti — 21.00
O'zA yakuni — 21.15
Topshirilgan vaqti — 03.30

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Abduvahob ABDUBANNOPOV
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5